БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СССР

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 150 (17.432). ● 3 июль 1979 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Советобод районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози ғаллакорлари ўримни кун сайин жадаллаштирмоқдалар. Комбайнчилар ўз агрегатларини юксак унумга ишлатиб, кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса қилиб бажаришяпти. Ғаллакорлар ҳар гектар майдондан 10 центнердан дон олишяпти. Суратда: ўрим пайти.

К. Каримов фотоси.

БУТУН КУЧ—ҒЎЗАНИНГ АВЖ ОЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА!

Республика партия ва ҳукумати Мурожаатига жавобан

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ЮТАДИ

ЖИЗЗАХ РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ «МОСКВА» КОЛХОЗИ 14.000 ТОННА ПАХТА ЕТИШТИРАДИ

Саратон кирди. Йилнинг бу фасли пахтакорлар учун ғоят қимматлидир. Астойдил меҳнат қилинса, ўсиш, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзаларни серҳосил ғўзалар даражасига етказиб олинади, ҳосил ёнига ҳосил қўшилади. Саратоннинг ҳар дақиқаси бу йилги оғир шароитда ғўза парваришида юз берган қолоқликни тўла тугатишга хизмат қилдирилмоғи керак.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатида таъкидланганидек, республика пахтакорлари ҳосил учун қаҳрамонона кураш олиб бормоқдалар. Улар ноқулай об-ҳавонинг оғир зарбаларига сабот-матонат ва маҳоратни омилкорлик ва тажрибани, зўр меҳнатни ва ўз қалбларининг қўрини рўбарў қўйдилар. Улар олдида ноқулай об-ҳаво ҳам чекинди.

Об-ҳаво нечоғли қийинчиликлар, ташвиш туғдирмасин мўл ҳосил етиштирамиз. **Колхозимиз бўйича 14.000 тонна пахта етиштириб, республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.**

Шу кунларда деҳқонлар билан суҳбатлашсангиз, «ғўза ўсмаяпти» деган гапни эшитасиз. Тўғри, ғўзаларнинг амал олиши ўтган йилдагидан бир ойдан кўпроқ фурсат орқада қоляпти. Бултур ҳам табиий офатлар кўп бўлган эди. Бу йил ундан ортиброқ тушди. Масалан, бизнинг колхозимизни олайлик. 3.650 гектар майдонда ғўза ўстиряпмиз. 2.600 гектар ердаги ғўзалар дуркун ўсиб. шоналаяпти. 500 гектар майдондаги ғўзаларнинг амал олиши ўртача. 500 гектар ерда паст ғўзалар бор.

Ғўзаларни тезроқ, ёппасига шоналатиб, гуллатиб олиш учун нималар қилишимиз керак?

Ерни юмшатиш, илдиз системасининг амал олишини тезлаштиришга қулай шароит яратиш керак. Бунинг учун бутун чоралар билан культивация кучайтирилиши, дала ишлари сифатли бажарилиши лозим. Ҳар бир культивация тупроқ қатламига ёруғлиқ, иссиқлик, ҳаво сингишига кенг йўл очсин. Биз чопиқ тракторларининг ҳаммасини тўла ишга солдик, механизаторларга 7—8 гектар кунлик график белгиладик. Сифат комиссияси аъзолари, агрономлар. бригада бошлиқлари ишнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат олиб боряпти. Биррорта чопиқ трактори бекор туриб қолмасин. норма бажармаган механизатор бўлмасин. Бир кунда бир ярим икки кунлик иш бажариладиган фурсат келди. Мурожаатга жавобан қўшимча олтита тракторни далага чиқардик. Ҳар бир механизатор билан батафсил гаплашиб олдик, илғорларни рағбатлантиряпмиз, айрим график бажармаганларни тартибга чақиряпмиз. Ғўза парвариши онгли равишда олиб борилиши лозим. 88 чопиқ трактори тинимсиз ишлаяпти.

Юқорида айтилганидек, 500 гектар ерда қолоқ ғўза бор. Бош агрономни шу участкага қўйдик, қўшимча сув, ўғит ажратдик. Тажрибали механизаторлар культивация ўтказяпти, ғўзаларни озиқлантиряпти. Ҳар гектар ҳисобига қўшимча 200—250 килограмм минерал ва 10 тоннадан органик ўғитлар беряпмиз.

Мурожаатда ўқариқлар сонини кўпайтириш, ғўзани калта эгатлар орқали группа усулида суғориш зарурлиги таъкидланган. Шу кунларда ғўзалар агротехника қоидалари асосида суғорилса, тупроқ қатламидаги аччиқ нам кўтарилади, тоза сув юмшоқ тупроқнинг қуйи қатламигача етиб боради, илдизлар тез амалга кириб, ўсимлик бақувватлашади.

Лекин суғоришни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўтказмоғимиз керак. Бостириб суғорилса тупроқ яна зичлашади, кўчат сони камаяди, ола суғорилса ниҳолларнинг амал олиши ҳар хил бўлиб қолади. Маълумки ола кўчатдан текис ҳосил олиб бўлмайди. Колхозимизда икки юз киши сувчилик қилаётган эди. Мурожаатга жавобан улар сонини яна юз кишига кўпайтирдик. Сувчиликка энг тажрибакор кишиларни қўйдик. бир кеча-кундузга тупроқнинг ҳолати, ўсимликнинг сувга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, 1—1.2 гектар. айрим бригадалардагина бир ярим гектаргача норма белгиладик.

Колхозимизнинг Пардабой Зиёдов, Нажим Алижонов, Исроил Хўжаназаров, Умри Орифжоновалар бошлиқ бригадалари гектаридан муттасил 55—60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб келяпти. Ана шу илғор бригадаларнинг коллективлари Мурожаатга жавобан бу йил ҳосилдорликни янада оширишга қарор қилишди. Улар шу мақсадда ғўзани намунали парвариш қилиб. унинг ривожини тезлаштириш чораларини кўришяпти.

Пахтакорларимиз культивацияни кучайтириш билан бирга кетмон чопиғига ҳам зўр беряптилар. Культивация кетидан дарҳол чопиқ ўтказиляпти. Ҳар икки жараёнда пайкаллар тозаланяпти. Кўпинча бегона ўтларга қарши бутун йил давомида кураш олиб бориш керак дейилади. Бу тўғри. Лекин бир ишга икки марта қўл урмаслик учун бегона ўтларни шу кунлардаги ғўза парваришидаёқ илдизи билан тўла-тўкис йўқотишга эришайлик!

Об-ҳаво ноқулай келган бу йилги вазиятда ғўзаларни минерал ўғитлар билан тезроқ озиқлантирган ҳолда органик ўғитларнинг ролини ошириш даркор. Айниқса тупроқ қатламида ҳарорат пастлигича қолаётган шу кунларда органик ўғитларнинг роли ва таъсири каттадир. Хўжалигимизда чопиқ тракторларининг ҳаммасига СУЗ аппаратлари ўрнатилган. Минерал ва органик ўғитлар қоришмаси сифатли тайёрланади, тупроқнинг белгиланган қатламига солинади. Гўнг. қўй қийи. паррандалар чиқиндисини кўпроқ тўплаш мақсадида 40 автомашина. 30 тележка. юк ортиб-туширадиган кранлар ажратдик. Бошқачасига айтганда, махсус органик ўғитлар тўплаш бригадалари ташкил қилдик. Биринчи галда чигит қайта экилган, ниҳолларнинг амал олиши кечикаётган карталарга оширилган нормада органик ўғитлар беряпмиз. Юқорида айтилганидек, хўжалигимизнинг пахта майдони катта, бир мавсумда органик ўғитлар билан тўла ўғитлашнинг имконияти йўқ, чорва комплекси, колхозчиларнинг молхоналари, қўйхоналари, паррандахоналаридаги ўғит етишмайди. Шуни ҳисобга олиб, узоқ чорва яйловларидан қўй қийи ташиб келтиришни кенг йўлга қўйдик, йиллик минерал ўғитлар нормасини июнь ойи охиригача тўла бериб бўлдик. Эндиликда органик ўғитларни «шарбат» қилиб оқизишни давом эттираверамиз.

Ниҳоят, зараркунандаларга қарши кураш бир дақиқа ҳам тўхтатилмаслиги керак. Ширинча, ўргимчаккана, кузги тунлам — умуман барча зараркунандаларга қарши кескин кураш олиб боряпмиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатидан руҳланган колхозимиз аъзолари юз берган қийинчиликларни марддик билан енгадилар, она-Ватанга бултургидан 1.100 тонна кўп. жами 14.000 тонна пахта етказиб берадилар.

А. ЭРГАШЕВ,
Жиззах районидаги Ленин орденли «Москва» колхози раиси.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

◆ Июль — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ойдир. Ҳамма куч ва имкониятларни ишга солиб, ғўзани суғориш, озиқлантириш ва культивация қилишни намунали ўтказайлик.

◆ Сувчи — экинни яшнатувчи. Ҳосилнинг тақдири кўп жиҳатдан сувчининг бугунги меҳнатига боғлиқ.

◆ Механизаторлар ва барча дала меҳнаткашлари! Бутун диққат-эътиборни олинган юксак социалистик мажбуриятни таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштиришга қаратайлик!

◆ Пахтазорларда ишни республика партия ва ҳукумати Мурожаати асосида ташкил этиш ҳаммамизнинг жонажон бурчимиздир.

Элликқалъа районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози пахтакорлари ғўза парваришини республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амал қилиб жадаллаштириб юбордилар. Ғўза парвариши, айниқса, Қўзибой Каримбердиев бошлиқ бригадада яхши олиб борипяпти. Бригада миришкорлари 50 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 38 центнер ўрнига 50 центнердан хирмон кўтариш учун курашмоқдалар. Суратда: Қ. Каримбердиев ғўза ниҳолларини кўздан кечиряпти.

А. Тўраев фотоси.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Республикамиз партия-ҳукуматининг даъваткор Мурожаати биз пахтакорларга янги куч ва ғайрат бахш этди. Мавжуд қийинчиликларни мардонаворлик билан енгишга, ҳар қандай шароитда ҳам мўл ҳосил етиштиришга чорлади.

«Ер хазина — сув гавҳар. меҳнат уларнинг отаси», — деб бежиз айтишмаган бобо деҳқонлар. Ҳар йили ҳар қандай шароитда ҳам гектаридан 50-60 центнердан хирмон кўтариб келаётган ўнлаб бригадаларнинг иши буни яққол исботлаб турибди. Қалб қўрини, пешана терини, билак кучини аямайдиган, билим ва тажрибасини омилкорлик билан ишга соладиган деҳқонлар бу йил ҳам, шубҳасиз, ўз муддаосига етадилар.

Бригадамиз аъзолари бу йил гектаридан 65 центнердан ипак пахта етиштиришга аҳд қилиб, ғайрат билан ишлаётирлар. Ўсимлик қатор оралари чуқур юмшатилмоқда, ҳар гектар майдонга 10-15 тоннадан, чиритилган маҳаллий ўғит солинмоқда. Маҳаллий ўғит тупроқ структурасини яхшилаш билан бир қаторда уни қиздиради, намни сақлайди, ўсимликка зарур бўлган ҳарорат ва ҳавони таъминлайди.

Биз ҳосил душмани бўлган бегона ўт ва зарарли ҳашаротларга қарши қизғин кураш олиб бормоқдамиз.

Сифатли культивация ўтказиш, ғўзани саратон сувига қондириш ҳам мўл ҳосил гаровидир. Бригадамиз азаматлари ҳар сув орасида ўсимликка икки марта ишлов беришмоқда. Бу ҳам ғўзанинг яхши ўсишига сабаб бўлаётир. Ҳозирда ғўзаларимиз ёппасига гуллай бошлади.

Ўскин АҲМЕДОВ,
Шеробод районидаги «Шеробод» совхозининг бригада бошлиғи.

СЕМИНАР-КЕНГАШ

КЕГАЙЛИ, [**«Совет Ўзбекистони» мухбири**]. Қорақалпоғистонлик азамат пахтакорлар бу йил она-Ватанга камида 380 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. Улар бепоён далаларда шунга яраша унумли меҳнат қилишмоқда.

Яқинда «Халқобод» совхозининг Дарменбой Бекбўлатов раҳбарлик қилаётган бригадаси дала шийпонида Автоном республиканинг шимолий группасидаги Кегайли, Нукус, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир районлари пахтакорлари ва механизаторларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Семинар-кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторларига, хўжаликларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаатини атрофлича муҳокама қилиб, ғўзанинг авж олишини жадаллаштириш бўйича конкрет тадбирлар белгиладилар.

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов ғўза парвариши бўйича шу кунларда амалга оширилиши керак бўлган энг муҳим ишлар ҳақида гапирди. Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири Т. Г. Зинин иштирок этди.

Бундай семинар-кенгаш Хўжайли ва Автоном республиканинг жанубий районларида ҳам бўлиб ўтди.

50 ЦЕНТНЕРЧИЛАР

УРГАНЧ. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Шовот районидаги «Партия XIX съезди» колхози Хоразм областидаги пешқадам хўжаликлардан саналади. Ғўза парваришини республика партия-ҳукумати Мурожаати асосида олиб бораётган бу колхоз меҳнатсеварлари 1290 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 35 центнер ўрнига 42 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга қарор қилишган. Бу ерда 600 гектардан кўпроқ майдондаги ғўзалар шонага кирди.

— Даъваткор Мурожаат ғўза парваришида коллективимизга қўлланма бўлиб қолмоқда, — дея ҳикоя қилади колхоз партия ташкилотининг секретари О. Кўпалов.

— Коммунист ва комсомолларимиз бу муҳим ҳужжатни колхозчиларимиз ўртасида кенг пропаганда қилмоқдалар. Мурожаатда баён этилган қимматли фикрлар асосида ғўза парваришини авж олдираётган Бозорбой Хусайинов, Шарифбой Олламов, Бозорбой Эрхонов, Қўчқор Ортиқов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларимиз гектаридан 50 центнердан пахта олиш учун курашмоқдалар.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ЖИЗЗАХ. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз коллективи республика партия-ҳукуматининг Мурожаатини қизғин муҳокама қилиб, конкрет тадбирлар белгиламоқда. 64 агитатор, 42 сиёсий ахборотчи, кўплаб пропагандистлар бу ишда фаоллик кўрсатишаётир. Хўжалик деҳқонлари бу йил 10 минг 600 тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш мажбуриятини олишган.

Мурожаатда таъкидланганидек, бу ерда иш сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Етти кишидан иборат сифат комиссияси бригадалар, бўлимларда ғўза парвариши бўйича олиб борилаётган ишларни мунтазам кузатиб бориб, ҳар ўн кунда социалистик мусобақага якун ясамоқда. Биринчиликни эгаллаган бўлимга кўчма Қизил байроқ ва 500 сўм пул мукофоти беріляпти. Бу ўн кунликда Турсунбой Фармонов бошқарувчилик қилаётган 8-бўлим меҳнаткашлари шундай шарафга муяссар бўлдилар. Бу ғолиб коллектив шарафига совхоз марказида шон-шуҳрат байроғи кўтарилди.

Узоқбой Суяров бошқарувчилик қилаётган 1-бўлим пахтакорлари ҳам ғўза парваришида пешқадамлик қилишмоқда. Бўлим меҳнаткашлари 700 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан пахта хирмони кўтариш мажбуриятини олишган. Бу илғор бўлимдаги Эшонқул Худойбердиев, Ғаффор Сатторов, Холбой Ғайбуллаев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларда ғўзалар гуллай бошлади. Бу коллективлар гектаридан камида 40 центнердан пахта ҳосили етиштиришни мақсад қилишган.

Совхознинг Беркин Элбоев, Мусо Ражабов, Тоғай Улуғмуродов, Пирмамат Алимардонов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган кўп центнерчи бригадалари далаларидаги ғўзалар ҳам гулга кирди.

ҒАЛЛА КАРВОНЛАРИ

Шу кунларда Оққўрғон районида бўлсангиз дон ортилган автомашиналар карвонларига дуч келасиз. Район ғаллакорлари сувли ва лалмикор ерларда етиштирилган ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишга уюшқоқлик билан киришган эдилар. Улар ишни ипатовоиликлар методи асосида ташкил этиб, ўрим-йиғимни жадал суръатлар билан олиб бордилар ва пойтахт областида биринчи бўлиб тугалладилар. Район хўжаликларида 947 гектар майдондаги кузги ва 610 гектар майдондаги баҳорги арпа жуда қисқа муддатда — ўн иш кунида ўриб ва янчиб олинди. Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 15 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Бу ўрим-йиғим суръатини тезлатиш билан бир қаторда, доннинг нобуд бўлишига йўл қўймасликда катта роль ўйнади.

Оққўрғонликлар давлатга дон топшириш юзасидан белгиланган топшириқни ҳам ҳаммадан олдин бажаришди. Давлат омборига 2000 тонна дон топширилди.

Ғалла ҳосилини тез ва нобуд қилмай йиғиштириб олишда райондаги «Оққўрғон» совхозининг ғаллакорлари алоҳида ибрат кўрсатишди. Моҳир механизаторлар Аҳмад Ҳайитбоев, ака-ука Абдували ва Пўлат Маъруфовлар ўз комбайнларини юқори унум билан ишлатиб 282 гектар майдондаги ҳосилни бир ҳафтада ўриб ва янчиб беришди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 20 центнердан ҳосил олинди.

Совхоз ғаллакорлари давлатга дон топшириш топшириғини ҳам ҳаммадан олдин ошириб адо этдилар. Улар давлатга 300 тонна ўрнига 310 тонна сара дон етказиб беришди.

Шуниси характерлики, даставвал бедага аралаштирмай экилган 150 гектар майдондаги арпа жадал ўриб олинди. Механизаторлар ҳосилдан бўшаган ва сомони йиғиштириб олинган далаларга пешма-пеш ҳайдов тракторларини олиб келиб, ерни ҳайдай бошлашди. Ҳайдов тракторлари кетидан эса сеялкалар ишга туширилди. Натижада 2—3 кун ичида ана шу майдонга силос учун маккажўхори экиб бўлинди. Ҳозир у текис униб чиқиб, дуркун ривожлана бошлади.

Райондаги Навоий номли, «Ленинизм» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг ғаллакорлари ҳам ўрим-йиғимни жадал олиб бориб, давлатга дон топширишни қисқа муддатда тугалладилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЖАҲОН КОНГРЕССИ ОЧИЛДИ

1 июлда Москвада XXI жаҳон ветеринария конгресси очилди. Конгресс чорвачиликнинг ҳозирги шароитида ветеринария медицинаси ва практикасига доир проблемаларни, моллар касалликларининг олдини олиш ва даволаш методларини янада такомиллаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини муҳокама қилади. Конгресс ишида 60 дан кўп мамлакатнинг олимлари ва мутахассислари қатнашмоқда.

СССР қишлоқ хўжалиги министри В. К. Месяц қисқача нутқ сўзлаб, халқаро анжуманни очди.

Конгресс иштирокчилари СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигиннинг табрикномасини зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Табрикномани СССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев ўқиб берди. «Ветеринария фани ва практикаси, дейилади табрикномада, халқларни етарли миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаш, кишиларнинг сиҳат-саломатлигини ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш сингари бутун дунё аҳамиятига молик проблемаларни ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу проблемалар эса билимнинг ҳамма соҳаларида халқаро ҳамкорликни барча чоралар билан ривожлантиришга ҳеч шубҳасиз боғлиқдир. Давлатлараро ветеринария конгресси ҳам бу ишга кўмаклашмоғи лозим».

Жаҳон ветеринария уюшмасининг президенти профессор Р. Вийом, халқаро эпизоотик бюро президенти А. Лааберки ва бошқалар йиғилганлар ҳузурида нутқ сўзладилар.

Ялпи мажлисда СССР, Италия, Чехословакия, Кения, Нидерландия, Болгария вакиллари доклад қилдилар.

(ТАСС).

ТАДҚИҚОТЛАР ВА ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 2 июль. (ТАСС). Кеча Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин туташтирувчи узел герметиклигини текшириш ишларини ниҳоясига етказгач, ўтиш туйнугини очдилар ва «Прогресс-7» транспорт кемаси юкини бўшатишга киришдилар.

Экипажнинг докладлари ва телеметрик ўлчаш натижаларига кўра, «Салют-6» — «Союз-34» — «Прогресс-7» орбитал комплексининг ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди. Владимир Ляхов билан Валерий Рюмин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузурида ташкил қилинган раҳбар ходимларининг назарий семинарида ўқиш тугади. «Ҳаёт позициясида актив туришни шакллантириш, меҳнаткашларни ахлоқий тарбиялашни кучайтириш» мавзуида якунловчи конференция ўтказилди.

Конференцияда қилинган докладлар ва ахборотларда коммунистик ғоявийлик — совет кишиларининг ҳаёт позициясида актив туриши негизи, ахборот ва пропаганда воситаларининг самарадорлигини ошириш йўллари, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга комплекс ёндашиш, оила, мактаб, меҳнат коллективи ахлоқий талабларининг бирлигини таъминлаш, шахсни ахлоқий камол топтириш билан боғлиқ иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий вазифаларини комплекс ҳал этиш, совет кишисининг дунёқарашини, унинг ахлоқий эътиқодини, маънавий маданиятини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли масалалари атрофлича ёритилди.

(ЎзТАГ).

БИРЛИГИМИЗ ТИЛИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовнинг «Бирлигимиз ва ҳамкорлигимиз тили» номли брошюраси босмадан чиқди. Ш. Р. Рашидовнинг «Рус тили — СССР халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги тили» мавзуида Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий-назарий конференциясида қилган доклади брошюрага асос қилиб олинган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми малакали қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш ва Қорақалпоғистон АССРнинг қўриқ ерларида шоликорликни ривожлантиришдаги хизматлари учун «Каракалпакцелинрис» тресги директорининг ўринбосари ўртоқ Пиржон **Сеитов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми мактабгача ёшдаги болаларнинг жамоат тарбиясини ривожлантириш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашдаги хизматлари учун халқ депутатлари Самарқанд область Совети ижроия комитети халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ Маҳфуза **Суяршоева**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифини, Тошкент шаҳрининг ўқувчилари орасида физкультура ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети халқ маорифи бўлими мудири ўртоқ Ҳамидулла Қаюмович **Йўлдошев**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик самарали илмий-педагогик ва жамоат ишларидаги фаолияти учун ҳамда туғилган кунига тўқсон йил тўлиши муносабати билан шахсий пенсионер, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти кафедрасининг собиқ мудири ўртоқ Татьяна Александровна **Колпакова**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун Ўзбекистон ССР халқ рассоми ўртоқ Абдулхақ Оқсоқолович **Абдуллаев**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ИТАЛИЯДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Италиянинг таниқли сиёсий арбоби К. Арагон бошчилигидаги Калабрия жамоатчилиги намояндаларининг делегацияси Ўзбекистон бўйлаб қилаётган сафарини тамомламоқда. Меҳмонлар Тошкент ва Бухоро шаҳарларининг ҳаёти билан танишдилар, Самарқанд районидаги деҳқонлар ҳузурида бўлдилар. Улар Чирчиқда ўз ҳамюртлари — капролактам ишлаб чиқариш объектларини барпо этишда қатнашаётган италиялик мутахассислар билан учрашдилар. Делегация аъзолари Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятининг активлари билан суҳбатлашдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАРБИЯГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

ИДЕОЛОГИЯ ИШИ — ИЖОДИЙ ИШ

Фрунзе номли колхоз партия комитети секретари Комил Собиров билан сут-товар фермасида суҳбатлашяпмиз.

Социалистик мусобақа қандай ташкил этилган? Сут соғувчиларга, молбоқарларга қулай меҳнат шароити яратилганми? Бунинг иш натижаларига таъсири қандай? Саволларга аниқ, лўнда жавоблар олдик. Мусобақани ҳар беш кунда мунтазам якунлаш одат тусига кирибди. «Жанговар варақа»нинг янги сони қизиқарли, таъсирчан чиқибди.

Булар ҳаммаси яхши таассурот қолдирди. Агитаторларнинг фаолияти ҳақида гап кетди. Сут соғувчи, агитатор Мунаввара Матёқубова бизга ўз тажрибалари ҳақида сўзлаб бера бошлади. Соғувчиликда тажрибаси чакки эмас, ҳар сигирдан тўрт минг килограмм сут соғиб олишга азму-қарор қилибди. Лекин суҳбатда маълум бўлишича, агитатор сифатидаги тажрибаси камроқ экан. Иш планини мукаммал тузиш, суҳбатни жонли, мазмунли ўтказишда партия ташкилоти унга малакали ёрдам кўрсатиши зарурдай кўринди. Шу пайт менда бир фикр туғилди: йирик бошланғич партия ташкилотлари қошида агитаторлар мактаби ташкил этса бўлмасмикан? Кейин шундай қилдик. Ҳозир районда еттита агитаторлар мактаби ишлаб турибди.

Агитаторлар мактаби машғулотларида сиёсий ва илмий темаларда фақат лекциялар ўқилиб қолмай, сўз санъати, нутқ маданияти, суҳбат ўтказиш услуби ва шакллари ҳақида фикр олишувлар бўлади, энг яхши агитаторларнинг тажрибалари умумлаштирилади. Районимизда 690 агитатор ташвиқот ва тарғибот ишлари олиб бораётганлигини, уларнинг билим савияси хилма-хил эканлигини эътиборга олганда, агитаторлар мактаби ташкил этиш шу кун талаби эканлиги аён бўлади. «Партия XXII съезди» колхозидан таниқли пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Машариф Мавлонов, «СССР 50 йиллиги» тикувчилик фабрикаси ишчиси, СССР Олий Совети депутати Гавҳар Отажонова каби энг яхши агитаторларнинг тажрибалари оммалаштирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Агитатор сўз устаси бўлибгина қолмай, у меҳнатда ва турмушда бошқаларга ўрнак бўлиши керак, деган талаб олдинга сурилди.

Хуллас, агитаторлар мактаби ўз вазифасини оқлаяпти. Бу мактаблар ишида камчиликлар ҳам мавжуд эканлигидан кўз юма олмаймиз. Биз уларни агитаторлар малакасини оширадиган чинакам билим даргоҳига айлантириш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак. Бу эса қўлимиздан келади.

Район радиосининг маҳаллий эшиттиришлари ҳам райкомнинг диққат марказида. Радио редакциясининг фаолияти райком бюроси мажлисида муҳокама қилинган вақтда фойдали мулоҳазалар ўртага ташланди. Шундан кейин «Халқаро аҳвол мавзуидаги эшиттириш» программага киритилди. Райкомнинг 35 та штатсиз лектори бўлиб, улар орасида халқаро шарҳловчилар ҳам бор. Совет ходими Н. Отажонов, ўқитувчи Г. Бехер тингловчиларни халқаро аҳвол янгиликларидан хабардор қилиб боришяпти. Халқаро болалар йилига бағишланган эшиттиришлар савияси ҳам яхшиланди. «Болалар — келажагимиз» деган мавзу эшиттириш программасидан доимий ўрин олди.

Районда чиқадиган «Коммунизмга» газетаси — илғор тажрибаларнинг жанговар минбари. «Социалистик мусобақа кундалиги», «Беш йиллик зарбдорлари», «Мажбурият изидан» сингари рубрикалар остида қизиқарли, сермазмун материаллар бериб борилади. 60 центнерчи пахта усталари ва тўрт минг килограммчи сут соғувчилар ташаббуси газетада эълон қилинди. Бу ибратли ташаббусларни райком маъқуллади. Матбуотдаги танқидий чиқишларнинг таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Коммунист партия қарорларини, партия белгилаган вазифаларни бажариш учун актив курашчи бўлиши билан бирга, омманинг сиёсий тарбиячиси ҳамдир. Район партия ташкилоти сафларида уч мингдан ортиқ коммунист бор. Улар — идеология фронтининг олдинги сафидаги жангчиларидир. 690 агитатор, «Билим» жамиятининг тўрт юздан ортиқ аъзоси, лекторлар, сиёсий докладчилар орасида коммунистлар кўп. Меҳнаткашлар ўртасида ғоявий-тарбиявий иш олиб боришда жўшқин фаолият кўрсатаётган, КПСС Уставида белгиланган фахрли бурчларини муносиб оқлаётган коммунистлар тўғрисида ифтихор ва ҳурмат билан гапирсак арзийди.

Пропагандистлардан М. Отаев, Р. Абдуллаев, агитаторлардан Г. Эрназарова, Р. Болтаев, сиёсий ахборотчилардан О. Мадраҳимов. Р. Мадаминов каби идеология ишининг самарадорлигини таъминлаётган кишиларнинг ибратли тажрибалари семинарларда оммалаштирилди. Бизда кўпгина партия, совет ва хўжалик раҳбарлари штатсиз лектор, сиёсий докладчи қилиб белгиланган. Уларнинг оммавий фаолияти — доимий эътиборимизда. Райкомнинг бўлим мудирлари З. Қурбонов, М. Мадаминов, шаҳар Совети ижроия комитети раиси ўринбосари О. Машарипов «КПССнинг ички ва ташқи сиёсати», «СССР Конституциясининг демократик принциплари» тўғрисида, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Қ. Бобожонов, Хива шаҳар қишлоқ хўжалик техникуми директори Б. Абдалниёзов иқтисодий темаларда ўқиган лекциялар тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар нуқтаи назаридан қараганда, омма ўртасида олиб борилаётган идеологик ишимизни янада яхшилаш учун ҳали кўп иш қилмоғимиз керак. Бу актуал масала юзасидан кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқилди. Социалистик мусобақанинг меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашдаги ролини ошириш ҳақида Беруний номли колхоз, кўргазмали агитацияни кучайтириш тўғрисида Крупская номли колхоз партия комитетлари райком бюросида ҳисоб беришди. Шунингдек 79-автотранспорт корхонасида коммунистик ахлоқ тарбияси, «Хива» колхозида иқтисодий таълим қандай йўлга қўйилганлиги юзасидан бошланғич партия ташкилотлари райком бюросига берган ҳисоб ишчанлик вазиятида муҳокама қилинди, асосий эътибор сиёсий-тарбиявий ишдаги камчиликларни тугатишга қаратилди.

Идеология иши — кўп қиррали, аниқ мақсадни кўзловчи ижодий ишдир. Биз унинг усул ва услубларини тинмай такомиллаштиришимиз, жанговарлигини, таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишимиз зарур. Ишлаб чиқаришдаги конкрет натижалар, социалистик мажбуриятлар қандай бажарилганлиги идеология иши самарадорлигининг мезони бўлади. Бу йил севикли Ватанга 44 минг тонна пахта етказиб бериш, ҳамма турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича юксак мажбуриятларни муваффақиятли адо этиш қатъий аҳдимиздир. Идеология ишини давр талаби даражасига кўтариб, меҳнат аҳлини бу йилги улкан режаларни бажаришга, беш йиллик планларини ошириб адо этишга сафарбар этамиз.

М. МАТКАРИМОВ,
Хива район партия комитетининг биринчи секретари.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

МУҲИМ БОСҚИЧ

Навоий электрохимия заводининг бунёд бўлиш тарихига яна бир ёрқин саҳифа ёзилди: буғ ва газ билан таъминлаш цехида ғўзани химиявий ўтоқ қилишда ишлатиладиган самарали препарат — которон ишлаб чиқариш учун зарур суюқ азот олинди. Маълумки, бу гербицид модда пахта даласидаги бегона ўтларни тамомила қириб ташлайди. Ундан фойдаланиш ҳар гектар ернинг ҳосилдорлигини 2—3 центнер оширади.

Навоий электрохимия заводининг қурилишида бутун мамлакат қатнашмоқда. СССР Химия ва нефть машинасозлиги министрлигининг мингдан ортиқ корхоналари бу ерга машина-ускуна юбормоқда. Ҳозир монтажчилар ишга тушириш-созлаш ишларини олиб бормоқдалар. Қурилиш майдонида турли миллат вакиллари ишлаб, шу улкан заводни бунёд этяптилар.

[ЎзТАГ].

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг пардозлаш фабрикасида ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлаш учун социалистик мусобақага катта эътибор бериляпти. Бу меҳнат беллашуви пешқадамлари орасида сифат назоратчиси Мавжуда Ёдгорова ҳам бор.

Суратда: кунлик топшириқларини 120 процентга етказиб адо этаётган зарбдор ишчи М. Ёдгорова.

И. Глауберзон фотоси.

«ЎРОҚ ВА БОЛҒА» — БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ

ЕЛКАДОШЛАР

- **РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТИ МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН**
- **ИШЧИЛАРНИНГ ПАХТАКОРЛАРГА МАДАДИ**
- **ЧИРЧИҚЛИК МАШИНАСОЗЛАРНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСИ**
- **БУЮРТМАЛАР ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИЛЯПТИ**
- **АНЪАНАГА САДОҚАТНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ**

Шу кунларда республикамиздаги кўплаб ишлаб чиқариш ва саноат бирлашмалари, заводлари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари коллективлари ўртасида ўзгача кайфият, ўзгача жўшқинлик. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг барча колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторларга, хўжаликларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларига, барча қишлоқ меҳнаткашларига Мурожаати азамат ишчиларнинг қалбидан чуқур жой олди. Чунки республикамиз меҳнаткашлари ишчилар синфи билан деҳқонлар ўртасидаги «Ўроқ ва Болға» бузилмас иттифоқи йилномасига ҳисобсиз ёрқин саҳифалар ёзишга муяссар бўлганлар. Мана шунинг учун ҳам ғўза парваришида вужудга келган қийинчиликларни енгиш учун олиб борилаётган курашда ҳар бир меҳнаткашнинг ўрни далада бўлиб қолди.

«Олтин қўлли» оқ олтин ижодкорларига ҳар томонлама ёрдам бериш, улар билан елкама-елка туриб, бепоён пахтазорлардагиларнинг ҳаммасига мададкор бўлиш — Ўзбекистон ишчиларининг шарафли бурчи. «Ўроқ ва Болға» иттифоқига чексиз садоқат, деҳқонларнинг энг яқин дўсти бўлган ишчиларнинг виждон амри уларни шунга чорламоқда.

Шаҳарнинг қишлоққа оталиги, ишчиларнинг деҳқонларга мадади шаклан ва мазмунан хилма-хилдир. Республикамиз саноат марказлари меҳнаткашлари ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ички резервларни ишга солган ҳолда пахтакорларга мададни кун сайин кучайтирмоқдалар. Жумладан, Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи коллективи Мурожаатга жавобан культиваторлар ишлаб чиқаришни ва уларни деҳқонларга муддатидан илгари кўплаб етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Албатта, ҳар қандай мажбурият реал имкониятларга таяниши керак. Ана шундагина у шараф билан бажарилиши турган гап. Буни яхши тушунган чирчиқлик машинасозлар барча турдош корхоналар ўртасида янги ташаббус бошладилар. Улар буюртмаларнинг бажарилишини тезлаштириш шу куннинг муҳим вазифаси, демоқдалар. Тошкентдаги лак-бўёқ заводи ишчилари чирчиқликлар даъватига биринчилар қатори амалий иш билан жавоб бердилар. Культиваторлар тайёрлаш учун зарур бўлган эмал бўёқнинг катта туркуми жўнатилди.

— Ҳозирги долзарб кунларда қишлоқ хўжалиги учун машиналар ишлаб чиқарадиган корхоналарга маҳсулот юбориш графигини муддатидан илгари бажаришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз, — дейди лак-бўёқ заводи бош инженери А. Крикоров. — Биз Ўзбекистоннинг яратилажак 5 миллион 700 минг тонналик улкан хирмонини ҳамманинг биргаликда куч-ғайрат сарфлаши туфайли ҳосил бўлишини яхши тушунамиз.

Пойтахт лак-бўёқ заводи азаматлари суръатни сусайтираётганлари йўқ. Улар «Ташсельмаш», Тошкент трактор заводи машинасозларининг ҳам буюртмаларини барвақт адо этишга муваффақ бўлмоқдалар. Уларнинг қишлоқ меҳнаткашлари тўғрисида ғамхўрлик қилиб, «Узсельхозтехника» корхоналари буюртмаларини ошириб ўринлатаётганликлари ҳам қувончлидир. Корхона фаолиятининг яна бир таҳсинга сазовор томони шундаки, лак-бўёқчилар гидротормоз суюқлигини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Бу ноёб препарат қишлоқ хўжалик техникаси ремонти сифатини анча ошириш имконини беради.

Тошкент лак-бўёқ заводи коллективининг ибратли ҳаракатидан ўрнак олган индустриал Навоий шаҳри корхоналари коллективлари қишлоққа ёрдам хилларини кўпайтиришяпти. Яқинда шаҳар корхоналарида тузилган зарбдор бригадалар «Гигант», «Нарпай» совхозларига жўнаб кетди. Улар ғўза чопиғини ўтказишда, культивация қилишда механизаторларга яқиндан кўмак беришади.

«Навоиазот» бирлашмаси, кон-металлургия комбинати, ремонт-механика заводи ва бошқа корхоналар ишчилари республика партия ва ҳукумати даъватига жавобан қишлоққа оталиқни кучайтириш учун конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар. Шунга кўра, ремонт-механика заводи ишчилари қишлоқ хўжалик машиналарига ўн минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берадилар. Кимёгарлар планга қўшимча юзлаб тонна ўғит жўнатадилар. Корхонада тузилган зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари пахтакорларга майдонларни бегона ўтдан тозалашда ёрдам беришяпти. Кон-металлургия ишчиларидан 50 киши терим мавсуми бошлангач «зангори кема»лар рулига ўтирадилар. Улар ҳозир корхонада очилган механик-ҳайдовчилар курсида ҳунар ўрганишяпти.

Ҳа, Ўзбекистон ишчилар синфи ўзининг «Ўроқ ва Болға» қудратли иттифоқига чексиз садоқатини фидокорона меҳнати ва қишлоқ меҳнаткашларига оталиқ ёрдамини кучайтириш билан намойиш этмоқда.

С. ИБРОҲИМОВ,
Э. САЪДУЛЛАЕВ.

ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ИПАК ПАХТА УСТАЛАРИ

Оқолтин районининг «Фарғона» совхозида ўтган йили 135 гектар майдонга ипак пахта экилиб, тажриба сифатида синаб кўрилган эди. Тажриба шуни кўрсатдики, ипак пахта Мирзачўл шароитида ҳам ҳаёт кечира оларкан. Бу янгиликни биринчи бўлиб совхознинг илғор 7-бўлими деҳқонлари қўлладилар ва ҳар гектар ердан 28 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Хўш, ипак пахта ҳаёти шу билан тугадими? Йўқ.

Бўлим деҳқонлари беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида беш юз гектар ерга қимматбаҳо хом ашё бўлган ипак пахта экишди. Чигит агротехника муддатларида ерга қадалди. Уруғ тупроқнинг ўз намига ундириб олинди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, юз берган табиий офат-қийинчиликлар деҳқонларнинг мардонавор меҳнати эвазига орқага чекинди. Текис ер бетини қоплаган ёш ниҳоллар парваришига уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Бўлимда ҳозиргача ғўза қатор ораларига уч маротаба комплекс ишлов берилди. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда А. Мамадалиев, Й. Пўлатов, М. Каримов, К. Қодиров каби дала гвардиячилари жонбозлик кўрсатишяпти.

Бўлим пахтакорлари ҳал қилувчи йилни зафарли якунлаш учун дала ишларига зўр бермоқдалар. Бунга шу кунларда бўлим далаларида бўлган киши яққол ишонч ҳосил қилади. Азамат деҳқонларнинг бу йилги мақсадлари ҳар гектар ердан пландаги 25 ўрнига 27 центнердан ипак пахта етиштириш ва «оқ олтин»дан катта хирмон яратишдир.

Н. ТОЖИБОЕВ.

ЧЎЛҚУВАРЛАРГА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Қўриқ Ульянов райони ташкил этилганидан бери орадан тўққиз йилча вақт ўтди. Ўтган шу йиллар давомида район территориясида иш олиб борган 19-область қишлоқ қурилиш трестининг 69-механизациялашган колоннаси ва «Каршистрой» бошқармасига қарашли 9,- 15-кўчма механизациялашган колонналарнинг қўли гул бунёдкорлари томонидан жуда катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари амалга оширилди. Қурувчиларнинг кучи билан аҳолига «Гўзал» маиший хизмат кўрсатиш уйи, «Ширин» ресторани, меҳмонхона ва юзлаб замонавий уй-жой бинолари, кўркам посёлкалар бунёд этилди.

Район марказида яна бир муҳташам бино фойдаланишга топширилди. Бу соатига бир йўла эллик киши қабул қиладиган ҳозирги замон архитектура безаклари билан жиҳозланган ҳаммомдир. Бу ерга келган кишиларнинг дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма қулайликлар мавжуд.

Ж. ЮСУПОВ.

БОЛАЛАРНИ АРДОҚЛАБ

Самарқанд райони марказида кейинги уч-тўрт йилда янги кинотеатр, дорихона, касалхонанинг болалар бўлими бинолари қурилди. Халқаро болалар йили муносабати билан жажжиларга ҳам катта ғамхўрлик қилинмоқда.

Яқинда район марказида «Болалар дунёси» магазини очилди. Магазинда кечагина туғилган гўдакдан бошлаб мактаб ёшигача бўлган болалар учун ўйинчоқлар, кийим-кечак, оёқ кийими, транспортлар мавжуд. Кираверишда митти фонтан, ёш техник майдони бор. Эълонни робот айтиб туради. Бурчакдаги кафетерийдан болалар лимонад ва бошқа ичимликлар харид қилишлари мумкин. Магазинни барпо қилиш учун 25 минг сўмлик маблағ сарфланди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга газетхонлардан К. Тўланов, А. Асроров, С. Турғунов (Наманган), А. Асилов, Ф. Пардаев, (Тошкент), И. Абдуллаев, Қ. Абдиёзова, Э. Бекметов (Хоразм), Л. Шукурова, Р. Неъматов (Бухоро), Ш. Зокиров, М. Турғунов, С. Йигиталиев (Андижон), Т. Ўринбоев, А. Мадраҳимов, А. Нурматов (Фарғона), Э. Ҳожиқурбонов (Самарқанд), Н. Тўраев (Сурхондарё) ва бошқалардан ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар келди.

ҲАМИД ОЛИМЖОН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЭРК ВА ҚАРДОШЛИК КУЙЧИСИ

I.

Бу йил Ҳамид Олимжон етмиш ёшнинг юзини кўрган бўлар эди. У бунинг ярмини ҳам яшамади — автомобиль ҳалокатига учраганида бор-йўғи ўттиз тўртга кирган эди.

Ўша машъум кун Ҳамид Олимжоннинг сўнгги лаҳзаларида ҳам унинг ёнида бўлган Уйғун томонидан бутун тафсилоти билан тасвирлаб берилган, совет адабиёти учун оғир жудолик бўлган бу воқеа ҳақида Ғафур Ғулом радиода алам билан гапирган. Комил Яшин эса бу ҳақда армон билан қайта-қайта ёзган эди. Зулфиянинг суюкли умр йўлдоши ва улуғ мураббийсига бағишланган ўтли шеърлари ҳали ҳануз миллион-миллион қалбларга ларза солиб келади.

Ушбу фожиона ҳодиса ҳақида ёзилган гапларга қўшимча сифатида менинг айтмоқчи бўлганим шуки, мен ўша 1944 йил 2 июль куни Радиокомитетнинг Инқилоб хиёбонидаги бир қаватли биносида эдим (мен дикторлик ва редакторлик қилардим), кун жуда иссиқ эди. Совинформбюронинг навбатдаги маълумотини ўқиб бўлиб, микрофонни ўчирдим, хаёлим олис фронтга кетди. Шу пайт кимдир эшикни очди-да, аста овоз берди. Коридорга чиқдим, мени чақирган йигит яқиндагина ишга қабул қилинган ёш диктор Қодир Маҳсумов экан. У ҳаяжон ичида, мени Ҳамид Олимжон телефонга чақираётганини айтди.

Мен тезда девордаги осма телефонга бордим ва трубкани олишим биланоқ, устозимнинг қўнғироқдай овозини эшитдим.

— Иш тугаши билан Ёзувчилар союзига келинг. Дўрмонга борамиз, балки сабзавотлар етилиб қолгандир. Менимча, эртанги картошка ҳозир пишди, кавлаб олиб ёзувчиларнинг оилаларига тарқатиш мумкин, кейин жиндай дам оламиз... Келасизми?

— Ўша ёқда қоламизми? — деб сўрар эканман, кечаси Совинформбюронинг янги маълумотларини таржима қилишим кераклиги, эрталаб соат олтида эса уни радиода ўқишим шартлиги эсимга тушди.

— Албатта. Машинамиз йўқ-ку, ахир.

— Ундай бўлса, мен боролмайман... — дедим ийманиб ва боролмаслигимнинг сабабини тушунтиришга уриндим.

— Э, шунақами... Аттанг... Сизсиз бориб келамиз.

У трубкани қўйди. Қулоғимга қисқа-қисқа гудок овози эшитилди, бу қисқа-қисқа саслар худди қалбимда садо бераётгандек эди, улар менга бир ёши улуғ оғамнинг таънасидек туюларди: инсон сифатида ҳам, шоир сифатида ҳам ҳурматим юксак бўлган бир инсоннинг илтимосини бажара олмаганимдан қаттиқ афсусда эдим.

Ўшанда Ҳамид Олимжон билан танишганимизга саккиз йил бўлган эди. У ҳамиша ўзининг қаламкаш дўстларидан хабардор бўлар, айниқса, ёшларни доимо диққат марказида тутар эди.

Бизнинг биринчи суҳбатимиз 1936 йилнинг кўкламида, ҳозир Ҳадича Сулаймонова номи билан аталадиган кўчада жойлашган Ёзувчилар союзи биносида бўлиб ўтганди. У менинг «Севги» деган балладамни ва журналда чиққан «Бахт ва қасос» достонимдан бир парчани ўқиганини айтди. Мен индустрия (ҳозирги политехника) институтида ўқир эдим, у ўқишим ҳақида сўради, менинг рус тилини билишимни эшитгач, чин кўнгилдан самимий жилмайди ва А. С. Пушкин вафотининг юз йиллиги муносабати билан улуғ рус шоири асарларини ўзбек тилига таржима қилиш борасидаги катта ишлар ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Орадан кўп ўтмай Ҳамид Олимжон бу улкан ижодий ишни бошқаришни ўз қўлига олди. Бу бемисл ижодий ишга у Ўзбекистоннинг энг етук шоир ва адибларини жалб этди. Улар орасида Ойбек, Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Амин Умарий, Темир Фаттоҳ, Зулфия, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Ҳасан Пўлат каби адиблар бор эди. Ҳамид Олимжоннинг ўзи «Кавказ асири»ни таржима қилди. Менга, ўн етти ёшлик бошловчи шоирга эса у лирик шеърлар ва «Тош меҳмон» шеърий драмасини таржимага топширди.

Ушбу коллектив ижодий ишда Ҳамид Олимжон ўзига хос ёрқин ташкилотчилик талантини намойиш этди. Икки-уч йил ичида А. С. Пушкиннинг барча яхши асарлари ўзбек тилига таржима қилинди, ўзбек халқи учун ҳам рус шеъриятининг буюк даҳоси яратган хазина эшиклари очилди.

Ҳамид Олимжон ижодкор дўстларининг ютуқларини кўриб чин дилдан қувонарди. Яшиннинг «Гулсара» пьесаси, Ойбекнинг «Уч» достони, Ғафур Ғуломнинг «Турксиб йўлларида» шеъри, Султон Жўранинг «Жордано Бруно» достони — буларнинг барчасининг яратилиши унга чинакам шодлик бахш этган эди.

Ёзувчи-коммунист Ҳамид Олимжон ҳамиша партиявий позицияда маҳкам турарди. бутун ижодга баҳо беришда ҳам, айрим асарлар қимматини белгилашда ҳам қатъий ва принципиал эди. 1937 йил ёз кунларидан бирида Ёзувчилар союзи президиумида Усмон Носир ижоди муҳокама қилингани ҳозиргидек ёдимда.

— Айрим бечора танқидчилар Усмон ижодида пессимизм ҳукмрон дейишади, — деди у менга муҳокама бошланишидан аввал. — Сиз бунга қандай қарайсиз?

Мен Усмон Носир шеърияти некбин руҳга эга эканлиги, унинг совет воқелигига меҳр қўйган шоирлиги ҳақида гапирдим. Ўша кунларда Усмон Носир шеърияти ҳақида «Қизил Ўзбекистон» саҳифасида катта мақола эълон қилган Уйғуннинг фикрларига тўла қўшилишимни айтдим.

— Балки президиум мажлисида сўзга чиқарсиз? — деб сўради Ҳамид Олимжон.

Ҳозиргача ҳам Ҳамид Олимжоннинг ўша мажлисда сўзлаган ҳаяжонли нутқи эсимдан чиқмайди, бу мажлисда менга ва Ҳамид Олимжоннинг бошқа дўстларига Усмон Носирнинг ёрқин, социалистик ҳаётни фахр билан васф этадиган шеъриятини ёқлаб чиқишга тўғри келганди.

Мана, энди Ҳамид Олимжоннинг дунёдан кўз юмганига ўттиз беш йил бўлаётган бир даврда, у яшаб ўтган умрнинг ҳар йили, ойи, ҳатто кунини эслаб, унинг фақат халқ билан ҳамнафас яшаганига, борлиғини кўп миллатли совет адабиёти равнақи учун бахшида қилганига, унинг она-Ватанга ва халқининг социалистик маданияти манфаатларидан ўзга манфаати бўлмаганига яна бир карра ишонасан киши.

Улуғ Ватан уруши арафасида бутун мамлакат М. Ю. Лермонтов вафотининг 100 йиллигини нишонлаш тараддудида эди. Ўзбекистонда буюк рус шоирининг асарларини таржима қилиш ва нашр эттириш ишларини Ҳамид Олимжон бошқарди. Бу улкан ишга ҳам республиканинг забардаст қалам аҳли жалб этилди.

Мен шу аснода Ҳамид Олимжон уюштирган таржима кечалари ҳақида тўхталмоқчиман. Бу кечаларни ўзига хос мушоира, деса бўлади. Ҳамид Олимжон бу кечаларда раислик қилар, шоирлардан ўз таржималарини ўқиб беришни сўрар эди. Лермонтовнинг бир шеърини бир неча шоир ўз таржимасида ўқиган ҳоллар ҳам учрарди. Таржималарнинг энг яхшилари нашрга тавсия қилинарди. Афсуски, эндиликда бундай ижодий мусобақалар, мушоиралар ўтказилмайди. Агар биз ана шу ажойиб анъанани тиклаганимизда борми, у адабиётимизда бадиий таржима савиясини яна ҳам юксакка кўтарган бўларди, деб ўйлайман.

Уруш арафасида бутун мамлакат миқёсида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигига катта тайёргарлик олиб борилмоқда эди. Юбилейни тайёрлаш ва ўтказиш ҳукумат комитетининг масъул котиби сифатида Ҳамид Олимжон жуда катта ишларни амалга оширди. Унинг фаолияти ҳақида кўп мақолалар, монографиялар, хотиралар ёзилган. Мен биргина нарсани айтмоқчиман шоир, олим ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон улкан масъулиятли ишни бошқарар экан, ўз атрофига Ўзбекистоннинггина эмас, балки бутун мамлакатнинг машҳур истеъдод эгаларини — шоирлар, ёзувчилар, шарқшунослар, тилшунослар, тарихчиларни тўплай олди.

Уруш арафаси эди. 1941 йил июнь ойининг илк кунлари бадиий адабиёт нашриётига қўнғироқ бўлди.

— Завод нималигини биласизми? — Ҳамид Олимжоннинг таниш овози қулоғимга чалинди.

— Завод... — мен ҳанг-манг бўлиб қолган эдим. — Умуман олганда, баъзи заводларни биламанку-я...

— Шундоқ-шундоқ! — Ҳамид Олимжон кулди. Биз ҳаммамиз завод ҳаётини умуман биламиз. Аммо конкрет билиш керак! Ишчилар ҳаётини ўрганиш керак! Эртага соат ўнда Ильич номидаги завод эшиги олдида учрашамиз!

Эртаси куни айтилган соатда завод эшигига яқинлашар эканман, узоқдан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом ва бошқа ёзувчиларга кўзим тушди, улар нима ҳақдадир гаплашиб туришар эди.

Ҳамид Олимжон ҳаммамизни заводга олиб кирди. Айландик, дегрезчи, фальцовкачи, чилангарлар билан учрашдик, қош қорайгандагина заводдан қайтдик.

Шу куннинг меваси сифатида кейин ишчилар ҳақида, турли миллат кишиларининг дўстлиги ҳақида шеърлар, ҳикоялар, очерклар пайдо бўлди.

...Ҳамид Олимжон ҳаётининг сўнгги дақиқаларида ҳам инсонлар ҳақида қайғуришини қўймади, ўзи бошқараётган Ёзувчилар союзининг ишлари билан машғул бўлди. У дўстлари билан Дўрмондан кечаси йўлга чиқди. Тошкентга элтадиган йўлда бир юк машинаси учради. Ҳамид Олимжон кабинага чиқди, унинг вақти зиқ эди, эрталаб уни шаҳарда интиқ кутиб туришганди. Шаҳарга шошилишининг яна бир сабаби оиласига — севимли ёрига, болаларига, волидаи зорига меҳри бениҳоят кучли эди, тезроқ уларни кўргиси келарди. Афтидан, улардан йироқда ўтган бир кеча унга охири йўқ, зерикарли кеча бўлиб кўринган эди...

Йўлда эса фалокат рўй берди...

Ҳамид Олимжон ижоди гуркираб-яшнаб турганда ҳалок бўлди. Бироқ у жуда кўп асарлар ёзиб қолдирди, ажойиб ташкилотчи эканлигини намойиш қилди. буларнинг бари уни кўпмиллатли совет адабиётининг машҳур намояндалари қаторига қўйиш ҳуқуқини беради.

II.

Ҳамид Олимжон асли Жиззахдан, бу шаҳар марказида ҳозир унинг ҳайкали савлат тўкиб турибди. У 1909 йил 12 декабрда камбағал деҳқон оиласида туғилди. Шоир туғилган қишлоқ бугунги кунда Ленин орденли «Москва» пахтачилик колхозининг шинам шаҳарчасига айланган. Унда колхоз тарихи музейи билан ёнма-ён Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг филиали — Ҳамид Олимжон адабиёт музейи ярақлаб турибди. Шоир ўқиган Жиззахдаги Нариманов номидаги бошланғич мактаб — шоир уни 1923 йилда тамомлаган эди — эндиликда ўлкага машҳур ўрта мактаб, уни битириб чиққанлар орасида эса ёрқин истеъдод эгалари: академиклар, профессорлар, ёзувчилар, партия ва давлат арбоблари бор.

Бўлажак шоир ўн тўрт ёшида Самарқандга боради ва Ўзбек билим юртига ўқишга киради. Бу пайтда у жиддий мутолаа билан шуғулланади, халқ достонларини ёддан ўқиб тенгқурларини лол қолдиради. Шарқ классик шеъриятини ўргана бошлайди. Навоий ғазалларини қўлдан қўймайди, Саъдий, Ҳофиз, Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Жомий асарларини бемалол форсчада ўқийди. Мана шу даврларда у ўзининг илк шеърларини ёза бошлайди.

Йигирманчи йилларнинг ўрталарига келиб Ҳамид Олимжон рус тилини ҳам пухта ўрганиб олади. Пушкин, Лермонтов Некрасов, Маяковский шеърияти билан танишади, Толстой, Тургенев, Чехов, Горький асарларини мутолаа қилади.

ҒЎЗАНИНГ АВЖ ОЛИШИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК!

ШОН-ШАРАФ ИШИМИЗ

Пахтакорлик она-диёримизда шон-шараф, виждон ишига айланган. Яна шуни ҳам фахр билан айтишимиз лозимки, пахтакор деган номнинг ўзида бир олам маъно, деҳқоннинг бахт-саодати ётади. Биз бахтимизни, обрўйимизни, ризқ-рўзимизни пахтадан, пахтакорликдан топганмиз. Бу билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Азиз Леонид Ильич Брежнев: «Оқ олтин»ни олтин қўллар яратади», — деб дала баҳодирлари бўлган пахтакорлар ишига жуда катта баҳо бериб, олий ҳурмат ва ҳиммат кўрсатди.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати эълон қилинди. Ғўзанинг авж олишини жадаллаштиришга бизни даъват этаётган бу муҳим ҳужжатни ўқир эканмиз, пахтакорларга нисбатан юксак ишонч учун республика партия ва ҳукуматига миннатдорчиликлар билдирдик.

Мурожаатдаги оташин сўзлар қайси пахтакорнинг, механизаторнинг қалбига чўғ солмайди дейсиз?! «Азиз донгдор пахтакорларимиз! — дейилади Мурожаатда. — Сизлар йил сайин фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдасиз. Леонид Ильич Брежнев таъбири билан айтганда сизларнинг «олтин қўлларингиз», довруқ ёйган маҳоратингиз мўъжизалар яратмоқда. Сизларнинг билимингиз ва тажрибангиз, мўл пахта ҳосили учун ҳар йилги курашда интернационал бурчга содиқлигингиз — меҳнатга чинакам коммунистик муносабат тимсолидир».

Республика партия-ҳукуматининг оташин Мурожаати буюк сафарбарлик, илҳомбахш қудратга эга. Шу бонсдан ҳам совхозимиз меҳнат аҳли уни қизғин кутиб олиб, атрофлича муҳокама қилмоқда. Мурожаат коллективимизни меҳнатда янги зафарларга чорламоқда.

Бўзнинг бўз йигитлари, қиз-жувонларидан иборат бўлган меҳнатсевар, оловқалб коллективимиз ҳар қандай шароитда 3150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 34 центнер ўрнига камида 40 центнердан пахта хирмони яратишга, бу билан пахтакорлик касбини яна ҳам улуғлашга отланганлар.

Партия-ҳукуматимиз пахтакорлар олдига қўйган вазифани шараф билан адо эта оладиган мўл ҳосил усталари, механизаторларимиз, сувчиларимиз бор эканлигидан ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораётганлигидан хурсандмиз. Бўлим бошқарувчиларимиздан Ҳакимжон Ҳамроқулов, Мамарашид Хуралиев, Абдуфаттоҳ Абдураҳмонов, Мухтасархон Зокироваларни олайлик. Суяги деҳқончиликда қотган, пахтакорлик касбини жон-дилдан севган, ардоқлаган бу ўртоқлар устоз пахтакорлар қаторидан ўзларига муносиб ўрин эгаллашди. Улар бошқарувчилик қилаётган бўлимларнинг коллективлари гектаридан 50—55 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбуриятини олиб, пахтазорларда кеча-кундуз унумли, сифатли иш бажараётирлар.

Бизда пахтачилик бригадаларини моҳирлик билан бошқариб, ҳосилдорликни йил сайин ошириб бораётган бригада етакчилари ҳам кам эмас. Назиржон Деҳқонов шуларнинг бири ҳисобланади. Устоз пахтакорлар таълимини олган, тадбиркорлик ва ташаббускорлик кўрсатиб ишлайдиган бу йигит етакчилик қилаётган бригаданинг аҳил коллективи 110 гектар майдондаги ғўзани меҳр билан парвариш қилмоқда. Улар гектаридан 65 центнерлик хирмонни кўзлаб туришибди. Бу йилги ғоят мураккаб келган об-ҳаво шароитида ана шундай маррани эгаллашга журъат этиш чинакам қаҳрамонлик демакдир. Интилганга толе ёр, дейдилар. Назиржон Деҳқонов бошлиқ коллективга ҳам, албатта, толе ёр бўлади.

Совхоз маъмурияти, партия ташкилоти ғўза парваришида пешқадамлик қилаётган бўлимлар, бригадалар, механизаторлар ва сувчиларни рағбатлантиришга, уларга керакли шарт-шароитлар яратиб беришга алоҳида эътибор бериб келаётир. Ғолибларни мукофотлаш учун кўчма Қизил байроқлар, вимпеллар таъсис этилган. Бу мукофотга сазовор бўлган коллективлар, механизаторлар ва сувчилар қимматбаҳо буюмлар ҳамда пул билан тақдирланмоқдалар.

Хуллас, пахтакорларимиз республика партия-ҳукуматининг Мурожаатини ўз ишларида асосий қўлланма деб биладилар, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашни тобора авж олдираверадилар.

Маннон ЖАЛОЛОВ,
Андижон область, Бўз районидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли «Партия XX съезди» совхози директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ — ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

ФАРҒОНА. («Совет Ўзбекистони» мухбиридан телефон орқали олинди). Область партия комитети республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга қарата чиқарган Мурожаатини жойларда кенг пропаганда қилиш юзасидан муҳим ва таъсирли тадбирларни амалга оширмоқда. Мурожаат плакат холда кўп нусхада нашр этилиб, колхоз, совхозларнинг ҳар бир бригада ва ҳар бир дала шийпонларига етказилди. Бундан ташқари, ана шу муҳим ҳужжатни кишиларнинг онги ва қалбига етказиш учун 200 дан зиёд масъул ходимлар область колхоз ва совхозларига жўнаб кетдилар. Улар орасида олимлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, лекторлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари бор.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯКШАНБА КУНГИ ЧЕТ ЭЛ ВОҚЕАЛАРИ

ХАНОЙДАГИ МУЗОКАРАЛАР

● ХАНОЙ

Бу ерда Япония Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Раиси Сандзо Носака бошчилигида ВСРга визит билан келган Япония Коммунистик партиясининг делегацияси билан Вьетнам Коммунистик партиясининг Бош секретари Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Коммунистик партиясининг делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Музокаралар бирдамлик ва қардошларча дўстлик муҳитида ўтди.

ХИТОЙ ҲАРБИЙ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АНГЛИЯДА

● ЛОНДОН

Бош штаб бошлиғининг ўринбосари Ян Юн бошчилигидаги Хитой ҳарбий делегацияси бу ерга келди. Бу визит ўз характерига кўра, ҳарбий делегацияларни шунчаки бир-бирига юбориш доирасидан анча ташқарига чиқади. Пекин вакиллари ҳарбий заводлар ва кемасозлик корхоналарига борибгина қолмай, кемаларда, аэродромларда ва қўшинларнинг ҳар хил турлари коллежларида бўладилар. Улар инглизларнинг тик парвоз қиладиган «Харриер» қирувчи самолётининг қандай ҳаракат қилишини кўриш имкониятини оладилар, мудофаа министрлигининг махфий алоқа маркази иши билан танишадилар. Булардан ташқари, деб таъкидлайди «Гардиан» газетаси, Хитой делегацияси «ўзининг инглиз музокарадошлари билан бирга стратегия ва тактика масалаларини муҳокама қилади, «танг вазиятларда Буюк Британия қуролли кучларининг қандай ҳаракат қилиши ҳақида хабардор этилади».

Англия мудофаа штабининг бошлиғи Нил Камерон таклифи билан Англияга келган пекинлик сайёҳларни Нил Камероннинг ўзи жуда иззат-икром билан кутиб олди.

АРАБ КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ БАЁНОТИ

● ДАМАШҚ

Араб касаба союзларининг халқаро конфедерацияси сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун ҳаракат қилаётган Африка халқларининг кураши билан бирдам эканини билдирди.

Жанубий Африка мустақиллиги куни муносабати билан конфедерациянинг бош секретариати ирқчи режимларга ҳарбий-иқтисодий ёрдам бераётган АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларининг сиёсатини кескин қоралади. Африка ва араб халқлари, деб таъкидланади мурожаатда, Африка жанубида ва Исроил оккупация қилиб олган араб ерларида империалистик эксплуатацияга ва ирқчилик зулмига қарши бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари керак.

РЎЙХАТГА ОЛИШ ОЛДИДАН ТАЙЁРГАРЛИК

● МАПУТУ

ФРЕЛИМО партиясининг III съезди Мозамбик Халқ Республикасини социал-иқтисодий ривожлантириш директиваларини ишлаб чиққан эди. Ана шу директиваларга мувофиқ, Мозамбиқ Халқ Республикасида 1980 йилда аҳолини рўйхатга олиш олдидан тайёргарлик кучайтириб юборилди. Пойтахтда, мамлакат вилоятларида ана шу муҳим сиёсий кампания ташкилотчилари учун махсус курслар очилди. Тегишли тайёргарликдан ўтган 250 минг киши уларга ёрдам беради. (ТАСС).

Жанубий Африка Республикаси маъмурлари Ғарбнинг мададига таяниб, Намибияга чинакам мустақиллик бериш жараёнини барбод қилишга ва у ерда ирқчиларга тобе қўғирчоқ тузум ўрнатишга интилмоқдалар. Претория маъмурлари бу мамлакатда ўз ҳукмронликларини сақлаб қолиш учун эса оккупациячи армия кучларини кўпайтириш ва янгидан-янги ҳарбий базалар қуришни давом эттирмоқдалар. Суратда: Овамболенддаги ҳарбий базанинг умумий кўриниши.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ҚАРДОШЛАРЧА ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Москвада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг XXXIII мажлиси бўлди. Бу мажлисда 12 социалистик мамлакатнинг, тўрт қитъадаги бошқа бир қанча суверен давлатларнинг, шунингдек, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашдилар. Мажлисда социализм мамлакатларининг янги ҳаёт қурилишидаги самарали қардошларча ҳамкорлиги 30 йиллигининг якунлари тўпланди ва халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, фан ва техниканинг энг илғор босқичида социалистик ишлаб чиқаришни янада юксалтириш йўллари белгиланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев сессия қатнашчиларига йўллаган табрикномасида таъкидлаб ўтганидек, социалистик иқтисодий интеграция ҳамдўстлигимиз ҳаётининг таркибий хусусияти, қардош мамлакатлар ҳар томонлама тараққиётининг қудратли ва барқарор омили бўлиб қолди. Бу — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг асосий сиёсий якунидир.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг юбилей сессияси ҳақида жаҳондаги кўп мамлакатлардан олинган кўпдан-кўп фикрларда уқтириб ўтилганидек, еттита етакчи капиталистик мамлакатларнинг Токиодаги кенгаши очилиши арафасида, хусусан энергетика масалалари соҳасида умидсизлик руҳидаги гаплар айтилган эди. Москва сессиясида эса, унинг аксича, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли планлари тўғрисида зўр умидворлик туйғулари изҳор қилинди. «Ҳозирги сессия, — деб ёзади Япониянинг «Асахи» газетаси, — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши фаолиятининг халқаро миқёсдаги кўламлари ғоят тез кенгайиб бораётганлигини яққол исбот этади».

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин сессияда сўзлаган нутқида бундай деди: Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар тарихан қисқа вақт ичида экономиканинг прогрессив структурасига эга бўлган давлатларнинг метиндек мустаҳкам группасига айланди. Бу давлатларда Ер юзи аҳолисининг атиги ўндан бир қисми яшайди, лекин жаҳонда олинаётган пўлатнинг қарийб учдан бир қисми шу давлатларда қуйилмоқда, металл ишловчи машина-ускуналарнинг тўртдан бир қисмидан кўпроғи тайёрланмоқда. «Умумий бозор» мамлакатлари ва АҚШни бирга қўшиб ҳисоблаганда улардаги квартираларнинг миқдорича квартира қурилмоқда.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар жаҳоннинг энергетика кризиси капиталистик экономикага бераётган қаттиқ зарбаларидан халос бўлган саноати ривожланган бирдан-бир зонаси бўлиб қолди. Хўжаликни план асосида олиб бориш афзалликлари ҳам, социалистик мамлакатларнинг аввало ўз энергия ресурсларини планли равишда тайёрлаш юзасидан узоқ муддатга мўлжалланган йўли ҳам бу соҳада ўз таъсирини ўтказди.

Юбилей сессиясининг охирида қабул қилинган Қўшма баёнот социалистик ҳамдўстликка аъзо бўлган барча мамлакатларнинг ўз олдиларида турган вазифаларни биргаликда ҳал этишга қарор берганлигини ифода этади. Л. И. Брежнев ўз мактубида таъкидлаб ўтганидек, узоқ муддатли программаларни конкрет битимлар системасига айлантириш, шундан кейинги икки беш йилликни интенсив ишлаб чиқариш ва илмий-техника кооперацияси даврига айлантириш ана шу вазифаларнинг энг муҳимидир.

ҚРИЗИС ВА ЗИДДИЯТЛАР ВАЗИЯТИДА

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг Москвадаги юбилей сессияси дўстлик ва ҳуқуқий жиҳатдан тенг ўзаро манфаатли ҳамкорлик муҳитида ўтган бўлса, еттита етакчи капиталистик мамлакат — АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Англия, Италия ва Канада раҳбарлари 28—29 июнда Токиода тамомила бошқача вазиятда кенгашдилар.

Ғарб матбуоти таъкидлаб ўтганидек, Токиога келган президентлар ва бош министрлар боши устида мудҳиш энергетика кризисининг ёқимсиз шарпаси пайдо бўлди. Шу муносабат билан Франциянинг «Эко» газетаси бундай деб ёзган эди: «Иш иқтисодий уруш сари боряпти. Ҳар бир мамлакат энергетика ресурсларини қўлга киритиш учун курашда барча воситаларни ўз миллий манфаатларини кўзлаб ишга солиш мумкин, деб ҳисоблайди».

«Нью-Йорк таймс» газетасининг таъбирича, Ғарб раҳбарлари «иқтисодий тўфонларни бартараф қилиш учун навигация карталарини ишлаб чиқиш» мақсадида Токиога жўнаб кетишар экан, бирликка даъват этишдан тортиниб турмадилар. Масалан, АҚШ президенти Ж. Картер бундай деди: «Бутун Ғарб дунёсини қамраб олган энергетика кризиси шароитида энергия манбалари учун Ғарб мамлакатлари ўртасида рақобат курашининг кескинлашиб кетишига мутлақо йўл қўймаслик зарур».

Аммо амалда Токиодаги учрашувнинг ҳар бир қатнашчиси камайиб бораётган нефть ресурсларидан ўз шерикларига нисбатан кўпроқ ҳисса олишни таъминлашга интилди, Қўшма Штатлар зўравонлик қилиб, ташаббусни ўз қўлига олди. Етти мамлакат раҳбарларининг учрашуви олдидан Япония пойтахтида Ж. Картер билан Япония бош министри М. Охира ўртасида алоҳида музокаралар олиб борилди. Франциянинг «Фигаро» газетаси дарғазаб бўлиб, улар «Ғарбий Европага қарши АҚШ билан Япониянинг бирлик фронтини вужудга келтириш» учун тўпланишди, деб ёзди.

Ғарбий Европа мамлакатлари етти мамлакат раҳбарларининг мажлисида нефть импорт қилишни 1985 йилгача 1978 йилда нефть маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасида қолдиришни таклиф этган эдилар. Қўшма Штатлар билан Япония бу таклифни рад этдилар. Ғарбий Германияда чиқадиган «Шпигель» журнали шу хусусда қуйидагиларни ёзди: «АҚШнинг энергетика соҳасидаги сиёсати аввалдагидек ҳозирда ҳам унинг шериклари назарида империалистик сиёсат бўлиб қолмоқда. АҚШ ўзининг ички бозорида нарх-наво соҳасида найранг ишлатиш йўли билан энергия манбаларини бошқа мамлакатлардан тортиб олиш билангина чекланиб қолмай, балки жаҳон бозорларида фойданинг ҳаммасини қўлга олишга ҳам уринмоқда. Американиклар худди босқинчилардек ҳаракат қилмоқдалар».

Шу билан бирга Токиода гўё «товон» тўлагандек бўлиб, «еттилар» ташкилотининг бошқа аъзоларини Америка талончилигида иштирок қилдириш учун уринишлар ҳам бўлди. Шу мақсадда АҚШ нефть экспорт қилувчи мамлакатларнинг нефть нархларини оширишларига йўл қўймаслик учун ана шу мамлакатлар ташкилотига қарши Ғарбдаги саноати ривожланган мамлакатларнинг блокини вужудга келтириш ғоясини илгари сурди.

Аммо бу найранг барбод бўлди. АҚШнинг Ғарбий Европадаги иттифоқчилари нефть экспорт қилувчи мамлакатлар билан ўз муносабатлари ёмонлашиб кетиши ва шу туфайли ана шу мамлакатлардан нефть сотиб олиш таҳдид остида қолишидан хавфсираб, Американинг ташаббусига ғоят эҳтиёткорлик билан қарадилар. Бундан ташқари, нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотига аъзо бўлган 13 давлат, шу ҳафта ичида Женевада бўлиб ўтган кенгашида дўқ-пўписаларни назар-писанд қилмай, Американинг таклифини рад этдилар. Улар ўзаро баъзи ихтилофлар бўлишига қарамай, нефть нархини ўрта ҳисобда 35 процент ошириш ҳақида аҳдлашиб олдилар. Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилотининг сентябрь ойида ўтказиладиган кенгашида ҳам нарх-навони яна қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилишди.

АҚШ:

СҚЧ-2 ТЕВАРАГИДА КУРАШ

АҚШ президенти Ж. Картер Венада юксак даражадаги учрашувда имзоланган стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисидаги шартномани (СҚЧ-2), сенат муҳокамасига юборди. Шундай қилиб урушдан кейинги бутун даврда шу энг муҳим Совет—Америка ҳужжатини ратификация қилиш жараёни бошлаб юборилди. Америка конституциясига биноан шартномани ратификация қилиш учун унга сенаторларнинг учдан икки қисми ёки 100 сенатордан 67 нафари овоз бериши керак.

Ж. Картер сенатга юборган илова мактубида сенаторларни шартномани ратификация қилишга даъват этди. Американинг кўпгина таниқли сиёсий ва жамоат арбоблари ҳам шундай чақириқлар билан чиқдилар. Сенатдаги демократик кўпчилик раҳбарининг ўринбосари А. Крэнстон Венада СҚЧ-2 шартномасининг имзоланиши «тарихий ютуқ»дир, деди ва у шахсан «шартномани сенат ратификация қилмоғи учун ҳамма куч-қувватларимни сарфлайман», деб таъкидлади.

Шу билан бирга Американинг ҳарбий саноат комплекси билан боғлиқ доираларда ракета-ядро қуролларини кўпайтиришдан манфаатдор ғоят актив ва таъсирли кучлар ҳанузгача бор. Улар кейинги вақтларда кўпорувчилик фаолиятларини ғоятда активлаштириб юбордилар. Масалан, СҚЧ-2 шартномасининг муҳолифи сифатида танилган сенатор Ж. Гарн тузилиб бўлган Совет—Америка аҳдномасини барбод этишни очиқдан-очиқ мақсад қилиб қўйиб, СССР билан АҚШ ўртасида «янги музокаралар» олиб бориш ва «янги битим» тузишни таклиф қилди. У иккинчи бир йўл сифатида шартноманинг ҳозирги текстига бир қанча тузатишлар ҳам таклиф қилдики, бу таклифлар томонларнинг тенглик принципига ва баб-баравар хавфсизлигига очиқдан-очиқ зид келади. Шу муносабат билан «Нью-Йорк таймс» газетаси ва Америка матбуотининг бошқа бир қанча органлари Гарнинг «таклифлари»ни Совет Иттифоқи қабул қилолмайди, деб ёзмоқдалар.

Вашингтон маъмуриятининг вакили мудофаа министри Г. Браун шартноманинг амалга оширилишини барбод этишга мўлжалланган тузатишларни СҚЧ-2 шартномасига киритишга уринишларга зарба бериб гапирди. СҚЧ-2 шартномаси — синчиклаб текшириб чиқилган ҳужжат бўлиб, икки мамлакат ўртасида салкам етти йил олиб борилган музокаралар натижасидир ва у иккала томоннинг ҳам муросасозлигини назарда тутади, деб таъкидлади. Шартномага тузатишлар киритиш учун янги музокаралар ўтказилиши керак бўларди ва бу музокаралар шу муҳим ҳужжат кучга киришини неча йиллар орқага суриб юборган бўлур эди, деб таъкидлади Г. Браун.

Совет—Америка ҳамкорлигининг Америкадаги муҳолифлари айни шу мақсадни кўзлаётган бўлсалар керак. Аммо, кўпчилик американиклар ва Американинг соғлом фикрли барча сиёсий ва жамоат арбоблари уларга қарши турибдилар. АҚШдаги катта жамоат ташкилотларидан бири бўлган «Американиклар — демократик ҳаракат тарафдорлари» ташкилотининг директори Л. Шалл бундай деди: СҚЧ-2 шартномасининг кучга кириши мамлакатларимиз ўртасида ишончнинг ўсишига, совет халқи билан Америка халқи ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланишига ёрдам беради. Барча соғлом фикрли американиклар шартномани қуролсизланиш, планетада стабиллик ва хавфсизликни таъминлаш ишида босилган конкрет қадам, деб билмоқдалар».

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

Комил Яшин айтганидек, Ҳамзанинг ҳам ёш шоирга таъсири кучли эди. Ҳамид Олимжон унинг ижодинигина яхши билиб қолмасдан, балки ўзи билан ҳам учрашган эди.

Ҳамза — Октябрь фарзанди, Инқилобнинг мағрур жарчиси Совет ҳукуматига. Ленин партиясига содиқ ёш истеъдодларни қидириб, топишда ноёб заковатга эга эди. Қидирган топади, дейдилар. Ҳамза Фарғона водийсидан Комил Яшинни, Зарафшон водийсидан Ҳамид Олимжонни топди. Бу икки тенгқур у вақтда ёш бўлиб, эндигина ўн етти баҳорни қарши олган бошловчи шоирлар эдилар. Ҳамза уларга устозлик қилди, маънавий мураббийлик вазифасини бажарди.

Оғир пайтлар эди у йиллар. Шаҳар атрофларида, қишлоқларда босмачи галалари изғиб юрарди. Ашаддий буржуа миллатчилари ленинча маданий инқилоб йўлига тўсқинлик қиларди. Душманлар ҳар қанақа қилиб бўлса ҳам ер-сув ислоҳоти, хотин-қизларни озодликка чиқариш каби ўша замоннинг буюк ишларини амалга оширмасликка уринар эдилар, фаол хотин-қизларни аёвсиз ўлдириб кетардилар.

Ана шундай оғир ва мураккаб даврда. Шарқ халқлари ҳаётида тубдан инқилобий ўзгаришлар юз бераётган бир даврда маданий инқилоб жабҳасида Ҳамза ёлғиз қолмади, дўстлари ва шогирдлари унинг ёнига кирдилар, ана шулар қаторида биринчилардан бўлиб шиддат кўрсатган ижодкор — шеърлари ўша пайтдаёқ «Зарафшон» газетаси саҳифаларида босилиб турган эрк ва қардошлик куйчиси Ҳамид Олимжон эди.

Шоирнинг бутун умри давомида назокат ва ғурур билан куйлаган севимли Ватан мавзуи унинг илк шеърларидаёқ нишона берган эди:

...Шунда чўпон каби
кезиб тоғлар,
Мен сени бир ўпай,
қучоқлай-да...
Сув — булоқ бўйларида
чарчай-да,
Сўнгра қўйнингда эркалаб
ухлай.
(«Баҳорни соғинганда», 1928 йил).

Фикримизга далил сифатида шоирнинг илк шеърларидан «Ёш куч», «Нима бизга Америка!», «Тайёр, трактор!» каби шеърларни санаб ўтмоқчиман.

Ўттизинчи йиллар бошида Ўзбекистон педакадемиясини тугатган шоир янги социалистик маданият қурилиши жабҳаларига ўзини урди. У хоҳ шеърда бўлсин, хоҳ публицистикада бўлсин, буржуача миллатчилик руҳидаги адабиёт ва санъатнинг халққа зиён келтириши мумкинлигини фош этди. Ўз тенгқурларини буюк рус халқининг инқилобий адабиётидан ўрнак олишга чақирди, Горький ва Маяковскийдан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан ўрганишга ундади. «Горький ҳақида хотиралар»ида Ҳамид Олимжон Максим Горькийнинг «Менинг дорилфунунларим», «Она» ва бошқа асарлари мутолааси ўз қалбида ўчмас из қолдирганини ҳаяжон билан эслайди.

Ўттизинчи йиллар Ҳамид Олимжон учун ҳам жуда сермаҳсул бўлди. Шоир кетма-кет бир неча шеърий китоблар нашр эттирди, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ» каби достонлар яратди. Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Горький, Н. Островский, А. Корнейчук асарларини ўзбек тилига ўгирди...

Ўзбекистон ССРнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ҳозиргидек эсимда турибди. Мажлис 1939 йили Тошкентда, ҳозирги Свердлов номидаги концерт залида бўлиб ўтган эди. Юбилейга бағишланган концерт олдидан, биргина стул қўйилган саҳнага Ҳамид Олимжон чиқиб келди. У стулга яқин келди-да, аммо ўтирмади, стул ёнида туриб, «Ўзбекистон» шеърини ёддан ўқиди. Бутун зал сув қуйгандай сукут ичида шоирнинг ҳаяжонли равон овозини берилиб тинглар эди. Эсимда, ўшанда биз — ёшлар эндигина газетада эълон қилинган ва бизга қадрдон бўлиб қолган ажойиб шеърнинг ҳар бир сўзини шоир билан бирга такрорлаган эдик.

Ҳамид Олимжон лирик шеър устаси эди, айни замонда эпик жанрда ҳам маҳорати ўткир эди. Ҳамид Олимжоннинг «Бахтлар водийси» шеърини халқ озод меҳнатига қасида, она юрт чиройига мафтун шоирнинг дилрабо қўшиғи дейилса батамом ярашади.

Шоир чинакамига интернационалист эди, совет халқларининг ленинча дўстлигини оташин мадҳ этган куйчи эди.

Ҳамид Олимжон Октябрь қулликдан ва зулмдан озод қилган халқнинг яратувчи меҳнатини ифтихор билан васф этди. У совет воқелигини сўлмас баҳорга қиёс қилди, халқнинг бахтини эса мангулик қуёшга монанд топди. Шоирнинг «Ўрик гуллаганда» деган ростакам ўзига хос, эркин шеъри ҳаётбахш лириканинг классик тимсоли бўлиб қолди.

Озод Шарқ мавзуси, Шарқ халқларининг бахтли тақдири мавзуси Ҳамид Олимжон шеъриятида катта ўрин тутади. У бу ҳаётий мавзуни социалистик революция мавзуси билан, буюк Ленин образи билан чамбарчас боғлайди.

«1924 йилнинг 21 январида Самарқанд» балладасида шоир пролетариат доҳийсининг буюк образини улуғлайди:

Инсонга ўт ўғирлаб
берган,
Прометей бўлганда ҳаёт.
Бутун тани бўлса ҳам
кишан,
Уни кўриб ёзарди, қанот!

Ҳа. Октябрь ва Ленин мавзуси — халқларнинг эрки ва бахт-саодати мавзуси Ҳамид Олимжон шеъриятининг бош мавзуси эди, у ўзининг сўнгги сатрига қадар бу мавзуга садоқат кўрсатди.

III

Уруш яқинлашиб келарди. Европада фашизм бош кўтармоқда эди. Испания фожиаси бошланди. Фашизм бутун-бутун халқларни қонга ботирди: миллион-миллион кишилар азоб-уқубатда қолди. Гитлерчилар Германияси Польшани забт этди. Фашизм галалари СССРнинг ғарбий чегараларига таҳдид қила бошлади. Урушнинг машъум сояси тобора кенгайиб борди.

Совет шеъриятида халқнинг ёвга қаҳр-ғазаби мотивлари жаранглай бошлади. Халқни ва унинг фарзанди — жонажон Қизил Армияни сафарбарликка чорловчи оташин асарлар пайдо бўлди.

Урушнинг биринчи куни Ҳамид Олимжон Москвада эди. Машҳур «Москвани мен биламан» шеъри ҳам ўшанда ёзилганди:

Ёвга қарши қўзғалади
Москва,
Шаҳар кечган тинчлик,
орем баҳридан.
Ҳар ерда бор бир
улуғвор нишона,
Москванинг ғазабидан,
қаҳридан,
Москвани қўриқлайди
бутун эл,
Кўкрагимиз осмонида
зўр қалқон.
Шуни билким, жон учун
жон оламиз,
Шуни билким, тўкамиз
қон учун қон.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раҳбари вазифасида ишлар экан, Ҳамид Олимжон Улуғ Ватан урушининг дастлабки оғир йилларида ёзувчилар ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ барча мураккаб ишларни ўз зиммасига олди. Урушнинг биринчи ойларида у кун-туни вокзалда поезд кутиш билан ўтказди: Тошкентга Украина ва Белоруссиядан, Москва ва Ленинграддан эвакуация қилинган адиблар, санъат арбоблари кела бошлади. Ҳамид Олимжон ўзининг қаламкаш дўстлари Ғафур Ғулом, Ойбек, Яшин, Уйғун, Зулфия, Мақсуд Шайхзода ва бошқалар билан Алексей Толстой, Якуб Колас, Владимир Луговской, Михоэльсонларни, совет маданиятининг бошқа юзлаб арбобларини, ижодий колективларни уйларга жойлаштиришда фаол иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи кўп миллатли адабиётнинг катта марказига айланди. Алексей Толстой ўзининг қаҳр ва ғазабга тўла публицистик мақолаларини Тошкентда ёзди ва «Правда»да бостирди, рус, украин, белорус, молдаван, Болтиқ бўйи шоирларининг овозлари шу ердан туриб бутун мамлакатга жаранглади, бу ерда ватанпарварлик спектакллари қўйилди, фашистларга қарши руҳда фильмлар ишланди, фронтга ёзувчилар, артистлар бригадалари шу ердан жўнаб кетишди... Ўша пайтдаги адабий ҳаётнинг гуркираб яшнашида, жуда кўп адабий асарларнинг тез суръатлар билан нашр қилинишида моҳир ташкилотчи Ҳамид Олимжоннинг улкан хизматини катта авлод ёзувчилари ҳозир ҳам миннатдорлик билан эслайдилар.

Комил Яшин «Ҳамид Олимжон ҳақида сўз» номли мақоласида бундай ёзади: «Ёзувчилар ташкилотини бошқариш оғир меҳнатни, ҳеч қандай кучни аямай ишлашни, ҳамишалик сафарбарликни талаб қилар эди ва шоир, маънавий фавқулодда кучли одам, раҳбарликни қизғин ижодий иш билан қўшиб олиб боришга ўзида куч тополди».

Комил Яшин ўзининг қадрдон дўсти ва сафдоши ҳақида эркин ва ҳақ гапларни ёзди.

1954 йил январь кунларининг бирида Минск шаҳрига борганим ва Якуб Колас уйида меҳмон бўлганим эсимга тушади. Кечқурун, камин олдида Константин Михайлович билан узоқ суҳбатлашиб ўтирдик, унинг Тошкентда яшаган йилларини, уруш даврини ёдга олдик.

— Афсус, ҳай, афсус! Ҳамид Олимжон ёш кетди-да! — деди белорус оғамиз. — Унинг ўлими — бутун совет адабиёти учун оғир жудолик бўлди.

Якуб Колас Тошкентда ўтган ўз юбилейини эслади: у ўшанда 60 ёшга кирган эди. шу юбилей муносабати билан Ҳамид Олимжон Якуб Колас шеърларини ўзбекчага таржима қилдиришда ҳамда китоб ҳолида нашр этишда жонбозлик кўрсатган эди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Ҳамид Олимжон алангадай эркин истеъдодли, сахий қалбли, оташин интернационалист эди.

IV

Уруш йиллари ўзбек шеърияти эркин истеъдодларга бой, улар шеъриятни юксак чўққига кўтардилар. Умумхалқ ватанпарварлиги, маънавий кўтаринкиликнинг баланд авж пардаларида жангчиларимизнинг фронтда кўрсатган бекиёс мардлигини, халқнинг фронт орқасидаги қаҳрамонона меҳнатини улуғловчи шеърлар ва достонлар яратилди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Уйғун, Шароф Рашидов, Мақсуд Шайхзода, Ғайратий, Зулфия, Собир Абдулла, Миртемир, Султон Жўра, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Туроб Тўла, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев каби ва бошқа шоирларимиз жуда ҳам сермаҳсул ижод қилдилар.

Ҳамид Олимжон шеърияти совет шеъриятининг пурмавж баҳрига бамисли тошқин дарёдай келиб қуйилди. У урушнинг бошидаёқ «Эвакуация» номли шеърий туркум ёзмоқчи ният қилган эди, аммо бу борада у бир неча шеърларгина ёзди, уларнинг ичида «Шарққа кетганда» шеъри ўзининг эпик кўлами билан ажралиб туради. Совет халқларининг қондош-қардошлиги мавзусида ёзилган «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳамид Олимжон шеъриятининг чўққиларидан бири — «Севги» ўқувчиларга ёқиб қолди, унда ҳижрон дардлари, Ғалабадан сўнгги муқаррар висол ўзининг эркин ифодасини топган.

Бир тутам гул тутиб
боқдинг кўзимга,
Дединтки: «Эсдалик
бўлсин, буни ол...»
Ўзимни йўқотдим, не
дединг менга?
Тутганинг гулмиди ва
ёким хаёл?
«Бутун ёшлигимиз
жангдадир букун,
Жангда очилмоқда севги
қисмати.
Жангдадир йигитлар,
жангдадир қизлар.
Ҳавода учади маҳбублар
хати...

Ҳамид Олимжоннинг «Нихол», «Йигит», «Гвардиячиларимизга салом», «Шарқдан Ғарбга кетаётган дўстга», «Шинель», «Сен туғилган кун», «Қамал қилинган шаҳар тепасидаги ой», «Учрашув» каби шеърлари К. Симонов, А. Твардовский, Н. Тихонов, В. Луговской, М. Исаковскийларнинг уруш даврида ёзилган энг яхши шеърлари қаторида туради.

Ҳамид Олимжон сиёсий лирикасининг ажойиб дурдонаси саналадиган «Россия», бу дастурламал бир шеър, ўзбек халқининг буюк рус халқига, қудратли Россияга бўлган меҳру ҳурматига қасидадир. Шоирнинг сатрлари қардошларча бирлик кўшиғидай, содиқликка қасамдай жаранглайди:

Россия, Россия, менинг
Ватаним.
Мен сенинг ўғлингман,
эмасман меҳмон.
Сенинг тупроғингда
улғайди таним.
Ҳозирман, сен учун
бўлмоққа қурбон.

* * *

Ҳамид Олимжон ижоди — замоннинг илғор революцион ғоялари билан суғорилган, ўзига хос ватанпарварлик руҳидаги теран шеърияти, драматургияси, адабиётшуносликка оид мақолалари ва публицистикаси — кўпмиллатли маданиятимизга қўшилган улкан ҳисса бўлди.

Ўзининг қисқа, лекин қайноқ илҳом ва ижодий меҳнатга тўла умрида шоир бутун совет халқининг ифтихори деса арзийдиган ўлмас асарлар яратди.

Ҳамид Олимжоннинг ижодий таржимаи ҳоли — адабиётимизнинг XX аср биринчи ярмидаги тарихининг, меҳнаткаш халқимиз ҳаётининг эркин солномасидир.

Ҳамид Олимжоннинг сози ҳеч қачон тинмайди, у ҳар бир янги авлод қалбида жаранг бераверади, тиниқ юлдуздай порлаб ҳамиша янги талантларга шеърият чўққилари сари йўл кўрсатиб туради. Ҳамид Олимжон шеърияти мангуликдир.

Ҳамид ҒУЛОМ,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати.

БАМДАН ХАТ

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР

Вақт оқар сув экан. 43-кўприксозлик отрядимизга Ленин комсомоли юборган кўнгиллиларнинг келиб қўшилганлиги худди кечагидек эсимда. Шунга ҳам бир йил бўлибди. Андижон шаҳридаги Маяковский номли 25-мактабни эндигина битириб келган икки нафар ёш аввалига тортиниб юришди. Тўғри, кўприксозлик отрядида ном чиқарган машҳур бригаданинг ўз одами бўлиб кетиш, шу коллективнинг ўзагини ташкил қилган таниқли ишчилар билан худди улар сингари зарбдорларча ишлаб кетишнинг ўзи бўлмайди.

Кунлар қизғин меҳнат билан кўтаринки руҳда ўтарди. Юрий Ершов етакчилигидаги бригада аср қурилиши Байкал-Амур магистралининг 1611-километридаги фойдаланишга топшириладиган объектда тер тўкарди. Кўприксозлар уч сменада ишлашар, ҳар куни бетон ётқизишар, арматураларни улашар, опалубкаларни ўрнатишар, цемент туширишар эди. Монтаж ишларини бажариш учун эса ҳам тажриба, ҳам кўникма зарур эди. Шунинг учун комсомол аъзолари Қобил Қодиров ва Ёқуб Тожибоевларга биринчи кунданоқ мураббийлар бириктиб қўйилди.

Кунлар ўта бошлади. Яширишнинг нима кераги бор?! Ўзбек йигитларининг қўллари дастлаб ишга қовуша қолмади. Шундай пайтлар бўлардики, бригаданинг ҳар бир аъзоси буйруқни кутмай дарров ишга ёпишиши керак пайтда улар бегоналардай ийманиб четда туришар, нима билан шуғулланишни билишмасди. Аммо бригада бошлиғи ва мураббийлар: Иван Штраух ҳамда Володя Кирюхинлар сабр-тоқат билан иш олиб боришди.

Қиш қаттиқ келди ўша йили. Совуқ 50 градусга чиқди. Бригададагилар «андижонлик йигитлар бундай совуққа чидай олмай кетиб қолишади», деб ўйлашган эди. Аммо Қобилжон ва Ёқубжонлар мустаҳкам ирода намунасини кўрсатишди. Қишнинг қаҳратон совуғига бардош бериб, ишда кўникма ва малака ҳосил қилишди. Улар эндиликда ҳар қандай топшириқни муваффақиятли адо этишга қодирдирлар.

Бир куни Ўзбекистон йигитларининг тез ва аҳил ишлаётганликларини қизиқиб томоша қилаётганимда ёнимга бригада бошлиғи Юрий Ершов келиб қолди. Мен ундан пичирлаб:

— Айтинг-чи, сиз одамлар қалбига қандай йўл топасиз, ёшлар билан ишлашда юксак натижаларга эришиш сабаблари нимада? — деб сўрадим.

Юрий Васильевич мийиғида кулди:

— Нима десам экан? Ҳамма гап шундаки, биз ёшларни тўғри ва яхши ишлашга ўргатибгина қолмай, уларнинг коллективга тезроқ сингиб кетишлари, шу коллективда ўсиб камолга етишлари, сифатли ва чиройли қуришдай ягона фикр билан яшашлари учун ҳаракат қиламиз. Шунинг учун бригадамизнинг ҳар бир аъзоси бир-бирига нима биландир ёрдам беришга интилади.

Ойлар ўтяпти. Эҳтимол, бу йил Ю. Ершов бригадасига янги ишчилар келиб қўшилар. Эҳтимол, улар яна Ўзбекистондан бўлишар. Лекин бригада коллективидаги ёшларни тез, сифатли ва самарали ишлашга ўргатиш анъанаси ўзгармасдан қолаверади. Агар бригада бошлиғи энди янги келганларга Қобилжон Қодиров ва Ёқубжон Тожибоевларни мураббий қилиб тайинласа бундан ажабланмаймиз.

В. ЮМИНОВ,
43-кўприксозлик отрядининг монтажчиси.
Амурск области, Тинда шаҳри.

Ст. «Пушкинскую» досрочно!

ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҚУРИЛИШИДА

ҚАЙНОҚ ДАМЛАР

ФОТОРЕПОРТАЖ

Луначарское шоссеси. Шитоб билан ўтаётган автомашиналарнинг кети узилмайди. Максим Горький майдонининг бульварига келганда уларнинг тезлиги бирдан пасаяди. Чунки йўл четидаги тахтачаларда: «Диққат, хавфли зона! Тезликни оширманг!» деган огоҳлантириш сўзлари ёзиб қўйилган. Бу, беихтиёр барчанинг диққатини тортади.

— Нима гап? — сўрайди троллейбусда кетаётган отахон ёнидаги ёшгина йигитдан.

— Тинчлик ота, — дейди йигит мўйсафиднинг кўнглига таскин бериб, — метро қуриляпти, ҳозир биз ўтиб кетаётган йўл остидан метро ўтган.

— Ҳа-ҳа, — дейди отахон бошини сарак-сарак қилиб, — неча «Пахтакор» деган истансасига тушдим, вой-бўй зўр экан... буёғи ҳам чакана бўлмас-а?

...Троллейбус бекатга келиб тўхтади Биз уларнинг суҳбатини бошқа эшитмадик. Чунки худди шу ерда қурилаётган Пушкин станциясига киришимиз керак эди.

Станция ва туннелларда иш қизғин. Биров монтаж қиляпти, биров арматура боғлаяпти, яна биров эндигина келтирилган болға, дюма ва турли хил эҳтиёт қисмларни пешма-пеш ташияпти. Маркшейдерлар, проходкачилар, откатчиклар қазув ишларининг сўнгги ҳисоб-китоблари устида «баҳс»лашиб турибди. Туннеллар ичидаги темирларнинг жаранг-журунги, блокларнинг тақир-туқури, электродларнинг вашвуши қулоқларни қоматга келтиради. Пайвандлардан чиқаётган ялт-юлт нур кўзни олади. Бамисоли жанггоҳ дейсиз!

Ҳа, Тошкент метроси биринчи навбатининг иккинчи линияси қурилиши ишлари суръати ҳар қачонгидан тезлашиб бормоқда. Ҳамид Олимжон, Пушкин, Максим Горький станциялари бунёдкорлари кун сайин баракали меҳнат қилмоқдалар.

Пушкин номли станция ўзининг кўркамлиги билан бошқа станциялардан фарқ қилади.

Колонна типида қурилаётган бу станция вестибюллардан иборат бўлади. Улар платформа қисмининг манзаралари билан уйғунлашиб кетади. Архитекторларнинг ечимларига кўра у қера гранит ва мармар безаклар билан жилоланади. Деворлари Нурота ва Ғозғоннинг ёрқин тусли мармаридан сайқал олади.

Ҳозир бекат қурилишида тупроқ ишлари асосан тугалланди. Қисқа вақт ичида котловандан 82 минг кубометр тупроқ қазиб чиқарилди. Станцияга 120 тонна арматура тўрлари, 600 кубометр йиғма конструкциялар, 700 кубометрдан зиёд яхлит темир бетон плиталари ётқизилди. Хуллас, станцияда иш тобора қизиб бормоқда. Ҳамма қайноқ меҳнат бағрида. Яна бир неча ойлардан сўнг Тошкент метроси биринчи навбатининг иккинчи линияси ҳам ишга тушади.

Ш. ИБРОҲИМОВ.
Автор фотоси.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Театр

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/VII да **Олифта.**

●

ТОШКЕНТ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ

«НИИстромпроект»
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудирлари: цементнинг бузилиши (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича), регенерация (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича), деворбоп керамика (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисогияси ихтисоси бўйича), регенерация (силикат ва қийин си бўйича);

сектор мудирлари: масса алмашинуви (теплотехника назарий асослари ихтисоси бўйича, техника термодинамикаси ва иссиқлик ҳамда масса алмашинуви билан бирга) химия термодинамикаси (химиявий физика ихтисоси бўйича), хом ашё (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича);

лабораториялар катта илмий ходимлари: тузсизлаштириш (теплотехника ихтисоси бўйича), регенерация (электрохимия, химия технологияси жараёнлари ва аппаратлари ихтисоси бўйича, паст ҳароратли клинкер ҳосил қилиш жараёнлари (физикавий химия, оптика ихтисослари бўйича), НТС — цементларнинг майдаланиши ва уларни ўрганиш (химия технологияси жараёнлари ва аппаратлари ихтисоси бўйича), куйдириш (саноат теплоэнергетикаси ихтисоси бўйича), автоклав ва бириктирувчи материаллар (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича — 2 ўрин), физика-химиявий ва химия-аналитик тадқиқотлар (кристаллография ва кристаллофизика ихтисоси бўйича);

секторларнинг катта илмий ходимлари: масса алмашинуви (теплотехника назарий асослари ихтисоси бўйича), химиявий термодинамика (қаттиқ жисм физикавий химия ихтисослари бўйича), хом ашё (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси, физикавий химия ихтисослари бўйича), бетонлар (қурилиш материаллари ва буюмлари ихтисоси бўйича);

лабораторияларнинг кичик илмий ходимлари: паст ҳароратда клинкер ҳосил қилиш (оптика, силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар ихтисослари бўйича), физикавий химия, цементнинг бузилиши (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича), материалларнинг қурилиш-техникавий хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича (қурилиш материалари ва буюмлари ихтисоси бўйича);

секторларнинг кичик илмий ходимлари: химиявий термодинамика (химия кинетикаси ва катализи ихтисоси бўйича); хом ашё (силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси ихтисоси бўйича — 2).

КОНКУРС МУДДАТИ — 22 ИЮЛГАЧА.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри. ГСП, Пушкин кўчаси, 66-уй.

●

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

5 ва 6 июлда

1979—80 ЎҚУВ ЙИЛИДА ИНСТИТУТГА КИРИШНИ ХОҲЛОВЧИЛАР УЧУН

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Очиқ эшиклар кунида институтнинг етакчи профессорлари билан учрашувлар ўтказилади, шунингдек институт ҳаёти билан танишиш мумкин.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ЖАНУБИЙ ДОНБАСС ИСТИҚБОЛЛАРИ

Жанубий Донбасс конидаги янги кўмир участкаси саноат усулида фойдаланиш учун топширилди. Бу ерда ҳар бири йилига бир ярим миллион тонна кўмир чиқариш қувватига эга бўлган иккита шахта барпо этиш лойиҳаси кўзда тутилмоқда.

Despite Кончилар «Бутуниттифоқ кўмир маконини» ривожлантириш режасини тузганда жанубий Донбассга кўпроқ зўр бермоқдалар.

Тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, жанубий Донбасс запаслари йилига жами 15—16 миллион тонна кўмир берадиган шахталар қуриш имкониятини яратади. Ана шу шахталардан биринчисининг коллективи ҳозир лойиҳа қувватини ўзлаштирмоқда, иккинчи шахта қурилмоқда, учинчисининг лойиҳаси тузилмоқда. Кончилар шаҳри — Угледар ҳам ўсмоқда.

ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛГАЧ

Тбилисидаги «1 Май» тикувчилик фабрикасида ярим сменали иш кунида ишлайдиган бригадалар ташкил этилди. Улар йилига бир миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаради, ишнинг сифати доимо аъло даражада бўлмоқда.

— Менинг уч болам бор, шу сабабли тўла сменада ишлай олмаган бўлур эдим. Мана энди уй юмушларини бажаришга ҳам, болаларни тарбиялашга ҳам вақт топаяпман,—дейди тикувчи М. Дзулашвили. Унинг фикрига дугоналари ҳам қўшиладилар.

— Уй-рўзғор ишлари билан машғул бўлган хотин-қизларни жамоат меҳнатига жалб этиш — ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим омилидир, — деди республика енгил саноат министрининг ўринбосари Е. Шецирули ТАСС мухбирига. — Масалан, енгил саноатда уйда ишлаш усули қўлланилмоқда. Уйда ишловчиларга бўлажак маҳсулотларнинг чала тайёр хом ашёсини элтиб берувчи махсус машиналар ажратилган. Ишни бундай ташкил этиш меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш имконини беради.

ЭНЕРГЕТИКЛАР — ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Молдавия экономикасининг бирон соҳаси ўнинчи беш йилликда электр энергия истеъмолининг ўсиш суръати жиҳатидан қишлоқ хўжалигига тенг кела олмайди. 21 июнгача давлат станциялари қишлоқ хўжалигига йил бошидан бери биринчи миллиард киловатт-соат электр энергиясини ўтказиб бўлдилар. Бу рақам мамлакатнинг бутун қишлоқ хўжалиги урушдан олдинги 1940 йилда фойдаланган энергиядан қарийб икки баравар кўпдир.

Республикада умумий узунлиги 50 минг километрдан ошадиган юзлаб электр линиялари тортилган. Магистрал линиялардан аҳоли пунктлари, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналарга тақсимот тармоқлари ўтади. Уларнинг ҳаммаси тежамли марказлашган энергия таъминотига ўтказилган. Аграр саноат бирлашмаларининг қарийб 200 заводи электр энергиясининг энг катта истеъмолчилари бўлиб қолди.

Ҳозир қишлоқларни электрлаштиришнинг янги бир босқичи бошланди. Катта-катта чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикаларига юқори вольтли резерв линиялар тортилмоқда. (ТАСС).

АХБОРОТ

ХОРАЗМ

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

«Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди!» Бу сўзларда Ватан учун қурбон бўлган қаҳрамонларнинг ёрқин хотиралари асло унутилмаслиги, ословли йиллар шуҳрати сўнмаслиги ўз ифодасини топган. Урганч районидаги Чапаев номли колхозда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган ёдгорлик сўзимизнинг далили бўла олади. Фарзанди фронтдан қайтмаган мотамсаро она қиёфасида уруш келтирган кулфатни чуқур ҳис қиласиз. Фронтда мардона ҳалок бўлган қишлоқ йигитларининг номлари мармар лавҳага битилган. «Рассом» бадиий комбинати архитектори В. В. Стриньковский, ҳайкалтарош Барно Шодиева ёдгорликнинг жонли, ёрқин чиқишига эриша олганлар.

Шунингдек, Қўшкўпир районидаги Оптибой Қурбонов номли, Боғот районидаги «Коммуна» колхозларида ҳам Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганлар хотираси абадийлаштирилди.

ЯНГИ САВДО ТАРМОҚЛАРИ

Урганч шаҳрининг Тинчлик кўчасида газмоллар магазини қурилиб, ишга туширилди. Кенг, шинам савдо залларида харидорлар учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Магазин қошида бичиқчилик цехи ҳам бор.

МАҚОМЧИЛАР АНСАМБЛИ

Урганч районидаги Калинин номли колхозда тузилган мақомчилар ансамблининг дастлабки чиқишлари катта муваффақият қозонди. Мақомчилар ўзбек миллий классик музикаси намуналари билан бирга замонавий музика асарларини ҳам маҳорат билан ижро этишиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

„ТЕЗЛИК“ ОПЕРАЦИЯСИ

Давримизни автомобиллаштириш йиллари деб аташлари бежиз эмас. Кўчаларда, йўлларда қатнаётган автомашиналар сони тобора кўпаймоқда. Республикамизнинг ўзидагина автотранспорт паркига ҳар йили ўн минглаб машина қўшилаётир. Айниқса, халқ моддий фаровонлиги ошганлиги сабабли шахсий машиналар сони тез кўпайиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси қувончли фактлардир. Бироқ, автомашиналар сони кўпайиб, транспорт хизмати яхшилана борган сари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, турли бахтсизликларни камайтириш тобора қийинлашмоқда.

Транспорт қатнови хавфсизлигини таъминлаш фақат техник жиҳатдангина эмас, шу билан бирга жуда катта социал аҳамиятга эга бўлган вазифа бўлиб қолди. Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, бундай ҳодисалар сабабли юз берадиган бахтсизликларни тугатиш ўнлаб, юзлаб кишиларнинг саломатлигини асраб қолиш учун кураш демакдир. Ҳолбуки, ҳозирги вақтда асосан транспорт ҳайдовчиларининг айби билан кўплаб кишилар ўз саломатлигини йўқотмоқда.

1979 йилнинг беш ойида республикамизда юз берган йўл-транспорт ҳодисалари жиддий ташвиш туғдирмоқда. Гап шундаки, ана шу давр ичида умуман республикамизда авариялар сони сезиларли даражада камайганлигига қарамай, Самарқанд областида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 10 процент, Фарғона областида 15.8 процент, Сирдарё областида 10,1 процент, Сурхондарё областида эса 26 процент кўпайиб кетган.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг юз беришига асосан нима сабаб бўлмоқда? Автомобиль йўллари йил сайин яхшиланиб боряпти. Йўл назорати кучайтириляпти, транспорт хавфсизлигини таъминлаш учун йўлларга турли белгилар қўйилган. Шунга қарамай, кўнгилсиз ҳодисалар айрим областларда кўпайиб бораётган экан, бунинг асосий сабаби транспорт ҳайдовчиларининг интизомсизлиги, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмаслигидир. Баъзи ҳайдовчилар йўл четидаги тезликни оширишни тақиқлаб қўйилган белгиларни кўриб туриб, унинг талабига риоя этмайдилар. Чорраҳаларда ўнгга ёки чапга бурилиш вақтида йўлни кесиб ўтаётган пиёдаларга менсимай қараб, аввал уларни ўтказиб юбормай, қоидани бузадилар. Бу талабларнинг ҳаммаси йўл ҳаракати қоидаларида бекорга ёзиб қўйилмаган-ку! Бу қоидаларнинг ҳар бир моддаси йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, транспорт қатновини тартибга солиш манфаатлари билан битилган. Бинобарин, уларга қатъий риоя қилиш ҳар бир ҳайдовчининг, шу билан бирга ҳар бир йўловчининг бурчи бўлмоғи керак.

Айрим кишилар спиртли ичимликлар ичиб ширакайф ҳолда транспорт воситасини бошқармоқдалар. Бу эса кишилар ҳаётини катта хавф остида қолдиради. Маст ҳайдовчи машина тезлиги ошганлигини сезмайди, унинг реакцияси пасайиши оқибатида мураккаб йўл шароитида машинани бошқара олмай, аварияга сабабчи бўлади. Бинобарин, маст ҳолда машинани бошқариш фактларига жиноят деб қарамоқ керак. Бундай ҳайдовчиларни транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш, уларга нисбатан либералларча муносабатда бўлиш ҳолларига барҳам бериш керак.

Ўтган беш ой ичида Андижон, Бухоро, Наманган, Тошкент, Фарғона областларида маст ҳайдовчиларнинг айби билан юз берган авариялар сони кўпайди. Айниқса, Чирчиқ шаҳри, Когон, Поп, Олтиариқ районларида бундай ҳодисалар кўпроқ содир бўлди. Бу фактлар жойларда ҳайдовчилар интизомини мустаҳкамлаш юзасидан етарли иш қилинмаётганлигини кўрсатиб турибди. Автохўжаликларнинг раҳбарлари ва, айниқса, автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамиятининг жойлардаги ташкилотлари ҳайдовчиларни йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашни кучайтиришлари лозим.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари пухта текширилиб ўрганилганда, бахтсизликлар асосан транспорт воситаларининг белгиланганидан ортиқча тезликда юриши оқибатида содир бўлаётгани аниқланди. Масалан, Сурхондарё областида юз берган аварияларнинг 73.5 проценти тезликни ҳаддан ташқари ошириш, 2.6 проценти автомашиналардан ўзиб кетиш вақтида қоидани бузиш, 2.6 проценти светофор сигналлари талабига риоя қилмаслик, 1.7 проценти автомашиналар оралиғидаги масофани камайтириб юбориш оқибатида юз берган. Кўриниб турибдики, авариялар, кўнгилсиз ҳодисалар сабаблари ичида автотранспорт тезлигини белгиланганидан ошириб юбориш биринчи ўринда туради. Чунончи, республика бўйича йўл-транспорт ҳодисаларининг 41 проценти худди шу сабабли содир бўлган.

Шунинг учун транспорт қатнови хавфсизлигини таъминлаш республика комиссияси 1 июлдан 20 июлга қадар ўтказиладиган Бутуниттифоқ «Тезлик» операциясида қатнашиш тўғрисида қарор чиқарди.

Бунда ҳайдовчиларнинг транспорт тезлигини чегаралаб қўядиган белгилар талабларига риоя қилишларини қаттиқ контроль қилиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, хавфсизлик камарларидан фойдаланиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиниши текширилади. Бинобарин, министрлик ва идораларга қарашли автомобиль хўжаликлари раҳбарлари, айниқса, ҳаракат хавфсизлиги бўйича инженерлар ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беришлари керак.

Маълумки, автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти шахсий автотранспорт воситалари эгаларини бирлаштирувчи ягона ташкилотдир. Шунинг учун ҳам автомотоҳаваскорлар республика жамияти (раиси ўртоқ Т. А. Иштаев) ҳайдовчилар ўртасида тарбиявий ишларни бутун чоралар билан кучайтириб, транспорт интизомини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш, кўнгилсиз ва аянчли оқибатларга барҳам бериш манфаатлари шуни талаб қилмоқда. Бутуниттифоқ «Тезлик» операциясини ўтказишдан мақсад ҳам худди шудир.

М. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автоинспекцияси бошқармасининг бўлим бошлиғи.

СПОРТ

ЧИМ ХОККЕЙ:

СОВХОЗ ҚИЗЛАРИ — СОВРИНДОР

Спортнинг чим хоккей тури республикамизда тобора оммалашиб бормоқда. Қишлоқ жойларда хотин-қизларнинг хоккей ўйнашга қизиқиши ортиб бораётганлиги таҳсинга лойиқ. Ҳозир кўпгина колхоз ва совхозларда хоккейчи қизлар командалари тузилган. «Андижанка» ҳамда Тошкентнинг «Университет» командаси қизлари олий лигачилар қаторида куч синашиб, шу кунларда мамлакатимиз спортчиларининг йирик анжумани — СССР халқлари Спартакиадасига ҳозирлик кўрмоқдалар.

Яқинда Янгийўл районидаги Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси спорт комплексида қишлоқ хотин-қизлари ўртасида чим хоккей бўйича биринчи марта совриндорлик баҳси ўтказилди. Беш команда икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, таниқли механизатор Турсуной Охунова соврини учун бир неча кун ўзаро курашди. Мусобақада Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхози, Фарғона область Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхоз, Тошкент область Оққўрғон районининг «Пахтакор» командаси, Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз, Самарқанд область Нарпай районидаги «Октябрь» колхози хоккейчи қизлари ўзаро мусобақалашдилар. Соврин учун курашда учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказган Андижон областининг Марҳамат районидаги «Комсомол 60 йиллиги» совхози қизлари бош совринни қўлга киритдилар. Совхоз хоккейчилари сўнгги учрашувни Тошкент область Оққўрғон районидаги «Пахтакор» командаси билан ўтказиб, 2:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Ҳал қилувчи учрашувни самарқандлик хоккейчилар билан ўтказган фарғоналик қизлар 3:0 ҳисобида муваффақият қозониб фахрли иккинчи ўринга кўтарилдилар. «Пахтакор» командаси учинчи совриндор бўлди. Совриндорлик баҳси хотин-қизлар ўртасида спортнинг чим хоккей турига бўлган ҳаваснинг янада ортишида муҳим аҳамият касб этди.

ФАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ПАРМАКАШ ПОЛИМЕР

Ўзбекистоннинг пармаланадиган қудуқларида сувда эрийдиган янги полимер модда ишлатила бошланди. Шартли равишда «К-9» деб аталган бу модда ҳозир нефть-газ қазиш саноатида ишлатилаётган кўпгина химиявий реагентлардан анча устун туради. Чунончи, унинг хизмат муддати ана шу мақсадда ишлатилаётган қимматли озуқа маҳсулоти — крахмалдан бир неча баравар кўплик қилади. Бундан ташқари у икки баравар катта ҳароратга бардош бера олади ва пармалашда ишлатиладиган эритмаларнинг ҳар қандай компонентлари билан яхши қоришади.

Амалда препаратни ишлатиш иқтисодий самараси «Ўзбекнефть» бирлашмаси Андижон парма ишлари бошқармасининг ўзидагина йилига чорак миллион сўмни ташкил қилади.

Янгиликдан республика халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларида ҳам муваффақиятли фойдаланилмоқда. Унинг ёрдами билан шўрхок ер структурасини яхшилаш мумкин. Ангрен керамика заводида каолин гилини саралашда шу химиявий моддани қўллаш борасидаги синовлар ўтказилмоқда

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари Тошкент политехника институти олимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Қ. С. Аҳмедов раҳбарлигида кўп профилли полимерни ишлаб чиқдилар ва ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Ҳозирга қадар амалда ишлатилмай келаётган сунъий тола — нитрон чиқитлари унга хом ашё бўлиб хизмат қилади.

Янгиликни ишлаб чиқаришга жорий этишда актив қатнашаётган «Навоий азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси янги реагентни, — деб ёзади ЎзТАГ мухбири С. Зефирова, — саноат кўламида ишлаб чиқара бошланди. Бу йил бу ерда икки минг тонна янги реагент ишлаб чиқарилади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ишлар мудирлиги коллективи катта референт У. М. Мусаевга укаси

Исмоил Махкамбоевич МУСАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Телевидениеси ва радиоэшиттириш давлат комитети коллективи, Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси СССР Журналистлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон телевидениесининг Бош директори

Тўлқин Обидхонович АЛИМОВнинг

бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ: 10.05 — В. Черних. «Қутлуғ қадам». 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Минск немис-фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 35 йиллигига. 15.50— Халқ оҳанглари. 16.00 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 16.40 — Звёздочёт. 17.25 — Ҳабиб илонлар ҳокими. Бадиий фильм. 18.30 — Мураббий. 19.00 — Қувноқ ноталар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.10 — Концерт. 20.40 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 17-фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Катта ёшдагилар учун контроль иш. 7-кўрсатув. 22.40 — Қадимий рус романслари. 23.15 — Ҳужжатли фильмлар. 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ: 11.30 — Абитуриентлар учун. Химия. 12.00— Телевизион театр. 18.15 — Камалак. 18.45 — Садо Бадиий фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Рус тили. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист У. Нуралиев куйлайди. 21.30 — Вақт. 22.05 — Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берайлик. 22.20 — Телевизион театр.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН: 18.40 — Сузавер, бригантина. Фильм-концерт. 19.10 — Гаровга тикилган ҳаёт. Бадиий фильм 7-серия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 12.00 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Юксак самарадорлик учун. 13.30 — Қувноқ ноталар. 14.00 — Ватанга кўплаб ипак толали пахта етказиб берайлик. 18.50 — Ешлик. 20.25 — Янги музикали ёзувлар. 20.50 — Тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадам. 21.00 — Шеърият дафтари. 21.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси 700000. Тошкент—П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45 32-53-04 редактор ўринбосарлари — 33-79-14 32-53-05 33-06-83, 32-55-04 масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70 халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат транспорт ва капитал қурилиш — 33-47-80 32-53-14 32-54-09 қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36 32-54-35 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26 фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21 32-54-24 ахборот ва спорт — 33-14-24 32-55-17 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-18 32-53-20 32-53-21 32-54-13 иллюстрация — 32-57-22 коммунистик тарбия — 32-54-29 стенографистка — 33-73-43 32-54-05. жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42 ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 3-55-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02084. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Е. — 150.